

САНЪАТШУНОСЛИКДА ЎЗБЕК МУСИҚА МЕРОСИНИНГ ЎРНИ



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Санъатшунослик”(турлари бўйича) йўналиши
- ❖ Профессор Ибрагимов Оқилхон Акбарович

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий таълим ,фан ва
инновациялар
вазирлигининг 2023 йил 25 августдаги 391-сонли буйруғи билан
тасдиқланган
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи: ЎзДСМИ “Муסיкий-назарий фанлар” кафедраси
мудири, санъатшунослик фанлари номзоди
Давлат Муллажонов;

Такризчилар: ЎзДСМИ “Овоз режиссёрлиги ва операторлик
маҳорати” кафедраси профессори,
санъатшунослик фанлари доктори
Тожибоева Олтиной Қосимовна

ЎзДК “Мақом тарихи ва назарияси” кафедраси
катта ўқитувчиси Холмирза Қурбонов

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	20
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	37
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	46
VI.	ГЛОССАРИЙ.....	51
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	55

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Санъатшуносликда ўзбек мусиқа меросининг ўрни” модулининг мақсади:

- ҳозирги кунда ўзбек мусиқа меросининг жамиятимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни, мусиқий – тарихий жараён билан таништириш, мусиқий - назарий меросни ўрганиш, маҳаллий услубларни таҳлил қилиш, мақом туркумларининг тузилишини чуқур ўрганиш, мақом намуналарини таҳлил қилиш ҳамда бой мусиқа адабиёти билан таништиришдан иборат.

“Санъатшуносликда ўзбек мусиқа меросининг ўрни” вазифалари:

- эса мусиқий тарихий жараён билан таништириш, мусиқий назарий меросни ўрганиш ва таҳлил қилиш, маҳаллий мусиқий услубларни;
- фарқлай олиш, турли мақом туркумларининг тузилишини таҳлил қилиш, мақом мусиқа намуналарини танлаб таҳлил қилиш;
- ўзбек мумтоз мусиқа адабиётига даҳлдор илмий ва ўқув адабиётларни ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Санъатшуносликда ўзбек мусиқа меросининг ўрни” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ўзбек мумтоз мусиқа меросининг мазмун, моҳиятини, ўзбек мумтоз мусиқаси ва мақомлар борасида ЮНЕСКО томонидан ва Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни ва мақомларнинг таълим муассасаларида ўрганилишига қаратилган мақсад ва вазифаларни **билиши** лозим;
- санъатшуносликда анъанавий ва замонавий санъатлар хусусиятини ўрганиш, санъатшунослик объектлари доирасининг кенгайиб бориш характерини таҳлилий баҳолаш, таълимда хорижий тажрибалардан кенг фойдаланган ҳолда дарс сифати ва самарадорлигига эришиш, таълимда интеграцион жараёнлар ўрни ва аҳамиятини баҳолаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- Ўзбекистон санъатшунослигидаги илғор янги тенденциялар ва методологик ўзгаришларни илмий-ўқув фаолиятида кенг қўллаш, санъатшунослик фани анъаналарига ворисийлик асосида ёндошув амалиётидан фойдалана билиш ва таълим модернизациясида шахсга йўналтирилган таълим тажрибаларини қўллаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Модулни ташкил этиш бўйича тавсиялар

“Санъатшуносликда ўзбек мусиқа меросининг ўрни ” модули ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётидаги ўрни, уни сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш, ушбу мероснинг аввалги ва замонавий ҳолатини солиштириш орқали унинг ҳозирги кунда қай даражада таълим тизимида ўрганилаётганлиги мисолида янги замонавий шакл ва услубларни амалиётга татбиқ этиш ва бошқаларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашдан иборат. Шунингдек, ўзбек мумтоз (касбий) маданияти бўлмиш бетакрор мақом санъатининг асослари билан таништиради.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Санъатшуносликда ўзбек мусиқа меросининг ўрни” модули мазмуни ўқув режадаги “Санъатшуносликнинг долзарб масалалари”, “Санъатшуносликда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш”, “Санъатшуносликнинг замонавий тенденциялари”, ўқув модуллари билан

узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Жами	назарий	амалий	кўчма
1.	Ўзбек халқ мусиқа мероси.	2	2		
2.	Мақом мусиқа ижодиётининг бошқа турларидан бадиий мукамаллиги, куй ва шакл тузилишлари билан ажралиб туриши масалалари. Шашмақом.	2	2		
3.	Фарғона-Тошкент мақом йўллари, Хоразм мақомлари	2	2		
4.	Ўзбек халқ мусиқаси локал услублари (Бухоро-Самарқанд, Фарғона-Тошкент, Сурхондарё-Қашқадарё, Хоразм, Қорақалпоқ)га хос асарларни тинглаш	2		2	
5.	Шашмақом чолғу ва наср йўлларида тинглаш. Мақом мусиқа, шеърят ва рақс санъатларини мужассамлаштирувчи муштарак бадиий дурдоналар.	4		4	
6.	Фарғона-Тошкент мақом йўлларида намуналар тинглаш	2		2	
7.	Хоразм мақомларидан тинглаш	2		2	
Жами:		16	6	10	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ўзбек халқ мусиқа мероси(2 соат).

Ўзбек халқи мусиқий меросининг миллий бадий-маънавий қадриятларнинг қайта тикланиш жараёнидаги аҳамияти. Ўзбек мусиқа мероси ва унинг икки асосий қатламга бўлиниши: халқ мусиқаси (мусиқий фольклор) ҳамда касбий мусиқа (устозона мусиқа) ҳақида маълумотлар берилади.

Ашула йўллари асосан диний-фалсафий, ишқий ва панд-насихат мазмундаги мумтоз шеърят намуналари (Навоий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Машраб ва б.) асосида куйланиши. Уларнинг ички тузилиш қонуниятлари, даромад, миёнпарда, дунаسر, авж, туширим (фурувард) номли бўлиммаларнинг мазмун-маънолар моҳияти, авжларда намудларнинг кўлланилиши. Тароналар. Уларнинг шўбалар орасида ўзига хос боғловчи бўлиб келиши ва вазифалари. Супориш ҳақида тушунча. Туркумининг Уфар номли ашула қисмлари билан якунланиши. Бузрук мақоми биринчи гуруҳ шўбалар туркумининг мухтасар шарҳи. (Тинглаш учун Сархбори Бузрук, Талқини Уззол, Насруллои, Сарахбори Наво, Уфари Уззол).

Иккинчи гуруҳ ашула йўлларининг ўзига хослиги. Уларнинг Шашмақом туркумида нисбатан кеч шаклланганлиги ва уларда назирагўйлик анъанасининг акс этиши. Савт ва Мўғулча номли шўбаларнинг етакчилиги ҳамда ҳар бирининг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар номли шохобчаларга эгаллиги.

Шохобчаларнинг юзага келишида асосий шўбалар (Савт, Мўғулча)нинг куй-оҳанглар сақланиб, дойра усулларининг ўзгариб бориши. Бу қонуниятларни Мўғулчаи Бузрук ва унинг шохобчалари мисолида намоён бўлиши. Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар усулларининг тузулиш хусусиятлари. Шашмақомнинг машҳур ижрочилари: Ота Жалолиддин Носиров, Ота Ҳиёс Абдуғани, Домулла Ҳалим Ибодов, Бобохонов, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Юнус Ражабий ва унинг мақом ижрочилик санъати борасидаги фаолияти.

2-мавзу: Фарғона-Тошкент мақом йўллари, Хоразм мақомлари(2 соат).

Фарғона-Тошкент ёки Тошкент-Фарғона мақом йўллари ўзбек мақомининг учинчи асосий тури сифатида. Унинг юзага келиши, узил-кесил шаклланиши тўғрисидаги илмий маълумотлар, янги фикр-мулоҳазалар. Ашула ва чолғу мақом йўлларининг тарқоқ ҳолда, яъни алоҳида-алоҳида туркумли ва туркумсиз асарлар сифатида етиб келганлиги. Хоразм мақомлари каби яхлит мажмуани ташкил этмаганлиги. Бунинг асосий сабаблари ҳақида фикр-мулоҳазалар.

“Чормақом” атамасини илгари сурилиш, бунга нисбатаан билдирилган танқидий қарашлар. Ушбу номланишининг сунъийлиги, ноўринлиги, истеъмолдан чиқиши. Насрулло, Ажам, Мисктин, Дугоҳ куйларини тинглаб таҳлил этиш.

Фарғона-Тошкент мақом ашула йўллари (чолғу йўллари каби) алоҳида бўлган бир қисмли («Сегоҳ», «Тошкент Ироғи», “Муножот” ва б.) намуналардан тортиб кўп қисмли ашула туркумларни намоён этади. Айниқса, беш қисмдан иборат туркум кўриниши нисбий муқим тусини олган. Хусусан, «Чоргоҳ», «Баёт», «Баёти-Шерозий», «Гулёр-Шаҳноз» сингари ашула йўллари айнан беш қисмдан иборат туркумли асарлар.

Хоразм мақомларининг шаклланиши масаласига доир тарихий маълумотлар. Бухоро мақомлари ҳамда Хоразм мақомлари ўзаро муносабатлари. Уларнинг муштарак ҳамда фарқли, тафовутли томонлари. Ташқи ва ички, сон ва сифат кўрсаткичлари. Хоразм мақомларининг ижрочилигига изоҳлар.

Хоразм мақомларининг чолғу бўлимнинг умумий тузилиши. Хоразм дутор мақомлари. Асосий ҳамда ноасосий қисмлар. Шеърят манбаълари, улардан фойдаланиш одатлари.

Хоразм мақомларининг айтим бўлими ёки Манзум номли бўлимнинг умумий тузилиши. Тани мақом тушунчаси. Асосий ҳамда ноасосий қисмлар. Шеърят манбаълари, улардан фойдаланиш одатлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маърузадан сўнг режалаштирилган дастлабки уч мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар кўйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, кўшимча воситалар, шунингдек мақом ансамбллари ёки фольклор жамоалари билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот. Мақом мусиқа ижодиётининг бошқа турларидан бадий мукамаллиги, куй ва шакл тузилишлари билан ажралиб туриши масалалари. Шашмақом (2 соат)

Мақом мусиқа ижодиётининг бошқа турларидан бадий мукамаллиги, куй ва шакл тузилишлари билан ажралиб туриши масалалари. Шашмақом Ўзбек халқи мусиқий меросида мақом жанрининг тутган ўрни. Шашмақом атамасининг изоҳи. Олти мақом туркумини ташкил этган мақомлар: Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ. Шашмақомнинг 18-аср ўрталарида Бухоро

шаҳрида узил-кесил шаклланиши. Бунда олти асосий парда (мукаммал тузуклар) уюшмаси ва улар асосида яратилган чолғу куй ва ашула йўлларининг мужассам этилганлиги.

Мақомнинг таркибий бўлимлари. Ҳар бир мақом чолғу (Мушкилот) ва ашула (Наср) бўлимларидан ташкил топиши.

Чолғу бўлимидаги асосий қисмлар – Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас, Сақил. Ушбу атамаларнинг луғавий маъноси ҳамда мақом «матнида» дойра усулларининг номини англатиши, усулларнинг қисмдан-қисмга тобора мураккаблашиб боришининг изоҳи.

2-амалий машғулот: Ўзбек халқ мусиқаси локал услублари (Бухоро-Самарқанд, Фарғона-Тошкент, Сурхондарё-Қашқадарё, Хоразм, Қорақалпоқ)га хос асарларни тинглаш. (4 соат)

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар Ўзбек халқ мусиқаси локал услублари – Бухоро-Самарқанд, Фарғона-Тошкент, Сурхондарё-Қашқадарё, Хоразм, Қорақалпоқ ҳудудига хос асарларидан намуналар тинглаб таҳлил қилинади.

Шунингдек, соҳага оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари, ЮНЕСКО томонидан номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган ҳужжатлар, Республикамизда миллий мумтоз мусиқа санъатини янада кенг тарғиб қилиш бўйича олиб борилаётган чора тадбирлар, ҳар битта ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, унда қўйилган вазифалар ва ушбу вазифаларни амалга ошириш имкониятлари, шароитлари тўғрисида фикр алмашадилар. Ушбу ҳужжатларни талабаларга яхши ва замонавий ахборот воситалари ёрдамида тушунтириш йўлларини биргаликда излаб топадилар.

Замалий машғулот: Шашмақом чолғу ва наср йўлларидан тинглаш. (4 соат)

Тингловчилар томонидан ўзбек мусиқа мероси борасида қабул қилинган қонунлар таққосланади, уларнинг такомиллашув жараёни таҳлил этилади, Ўзбекистонда мусиқа меросининг аҳамияти бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг учун тингловчилар мустақил равишда хорижий адабиётлар ва ИНТЕРНЕТдан қўшимча маълумотлар тўплайдилар ҳамда мавзу бўйича кўтарилган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

3-амалий машғулот: Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан намуналар тинглаш (2 соат).

Аввалдан режалаштирилган ҳолда тингловчилар орасида номоддий маданий мероснинг соҳалари бўлинади ва ҳар битта тингловчи ўзбек мусиқа

мероснинг тегишли соҳаси бўйича ўз маълумотларини тақдимот (презентация) кўринишида тақдим этади. Тингловчилар томонидан соҳага оид бўлиб, қамраб олинмаган тур ва жанрлар муҳокама этилади ва тўлдирилади..

4-амалий машғулот: Хоразм мақомларидан тинглаш(2 соат).

Аввалдан режалаштирилган ҳолда тингловчилар орасида номоддий маданий мероснинг соҳалари бўлинади ва ҳар битта тингловчи ўзбек мусиқа мероси бўйича ўз маълумотларини тақдимот (презентация) кўринишида тақдим этади. Тингловчилар томонидан соҳага оид бўлиб, қамраб олинмаган тур ва жанрлар муҳокама этилади ва тўлдирилади. Ўзбек мусиқа меросининг рўйхатларига киритилган номзодлар ўрганилади, яна қайси номзодларни рўйхатга киритиш ёки қичариб ташлаш, бошқа рўйхатга ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ**

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгил.


Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетига амалий вазиятлардан иқтисодий

бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари

- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)**
- 2. “Монна-Лиза” портретини ишлашда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)**

Кейс. Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қаҳрамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилармиди?

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг


- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарихий ёки маиший мавзудаги кўпқоматли композиция асарининг ғояси”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёниш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қодалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Ўзбек халқи мусиқа мероси

Режа

- 1.1. Ўзбек халқи мусиқа меросига бир назар.
- 1.2. XVI-XIX асрлар давомида Туркистон хонликларидаги маҳаллий мусиқий анъаналар.
- 1.3. Мусиқа маданияти ва унинг ҳаётдаги ўрни.

Таянч сўзлар: Мусиқа, мерос, фольклор, тарих, устозона, оғзаки, куй-оҳанглар, маънавият, асрлар, нота ёзуви, анъанавий, Афросиёб, маросим, урф-одат.

1.1. Ўзбек халқи мусиқа меросига бир назар.

Ҳар бир халқнинг ўзига азиз она тили бўлганидек, қадрдон куй-оҳангларига асосланган миллий мусиқаси ҳам бўлади. Бу хил мусиқанинг беқиёс ва бебаҳолиги шундаки, унда халқнинг маънавий бойлиги, ўтмиши-ю бугуни, эзгу мақсад ва орзу-истаклари мужассам бадиий жонланади. Шу боисдан миллий куй-оҳанглари қалбан идрок эта олиш туйғуси ила жамиятнинг миллионлардан иборат оммалари ўзини ягона бир халқ сифатида ҳис этади.

Ўзбек халқи бой маънавий оламининг ажралмас қисмини асрлар қаъридан келаётган миллий мусиқий мерос намуналари ташкил этади. Бу мусиқий мерос асосан икки қатламдан иборат бўлиб, шулардан бири “халқ мусиқаси” (ёки “мусиқий фольклор”), яна бири эса “анъанавий касбий мусиқа” (ёки “устозона мусиқа”) деб юритилади. Шунини таъкидлаш керакки, миллий мусиқий мероснинг кўрсатиб ўтилган ҳар иккала қатлами бизнинг даврга қадар оғзаки анъана воситасида (нота ёзувларисиз), яъни, оғзаки ижод этиш, оғзаки ижро этиш ва оғзаки ўрганиш (узатиш) ўлароқ етиб келган. Бинобарин, кўп асрлар давомида халиқимиз бой маънавиятининг, теран тафаккурининг, баркамол руҳиятининг садолардаги жонли ифодаси бўлган миллий мусиқа

бугунги кунда буюк давлат бунёдкори бўлмиш жамиятимизнинг руҳ қуввати ва жон озиғи бўлмоғи айни муддаодир.

Шу аснода бугунги кунда азалий муסיқий қадриятлар мазмунини ташкил этаётган бу муסיқий мерос тарихига бир назар ташлаймиз. Ҳозирги Ўзбекистон худудларида қадимги даврлардан бошлаб муסיқа санъати шаклланиб, ривож топди. Бу ҳақда бизгача етиб келган кўплаб моддий ва номоддий маданий мерос намуналари гувоҳлик беради. Бу борада Афросиёб, Тупроққалъа, Далварзинтепа, Айритом каби кўхна масканлардан топилган деворий чизмалар, терракота ҳайкалчалари, шунингдек деворга бўртма (барельеф ва рельеф) тарзида ишланган урма, торли-чертма ва пуфлама чолғулар тасвири муҳим ашёвий далиллардир. Булар орасида, айниқса, ҳозирда бизга маълум доира, най, рубоб ва чанг-арфага ўхшаш чолғулар кўплаб учрайди. Уларнинг ижрочилари қаторида муסיқа санъатининг юксак тимсоли сифатида аёл созандалар улуғ санамлар ўлароқ эъзозланганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, зардуштийларнинг муқаддас ҳисобланган “Авесто” китобида ибодат гот мадҳиялари билан бирга халқ орасида удум бўлган турфа айтимлар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар учрайди.

Минтақамизда ислом дини кенг ёйилган даврлардан бошлаб ўзбек халқининг муסיқа маданияти янги маъно касб этган ҳолда равақ топди. Хусусан, VII асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб исломий қадриятлар элимизнинг анъанавий турмуш тарзи, байрам, тантана, сайл, турли удум, урф-одат ва маросимлари мазмунига сингиб бориши асносида халқ оғзаки муסיқа ижодиётига оид кўшиқ ва куйларида ўзининг бадиий ифодасини ҳам топди. Бунда ҳар бир маросим аввалида Аллоҳ таолонинг буюклигини мадҳ этувчи ҳамд ва Муҳаммад (с.а.в.)га бағишланган саловоти дурудлар ифодаси бўлган наътлар билан бошлаш одат тусини олди. Ҳудди шунингдек, мумтоз адабиёт (достон ва б.) намуналарини ҳам ҳамд ва наътлар билан бошлаш анъанаси юзага келган эди. Айни вақтда касбий муסיқа намуналари – мақом, ашула, катта ашула, сувора ва б. – равақи билан бирга муסיқашунослик илми ҳам жадал ривожланди.

Қуръон тажвиди асосида Ўрта аср Шарқ мусулмон оламида ёқимли овоз (ёқимли товуш) эстетикаси қарор топди. Шу тариқа мусиқа санъатида ҳам сифат ўзгаришлари юзага келиб, жумладан, ўзбек мумтоз мусиқаси исломий кадриятлар устуворлигида камолот сари юксалди.

Қадимдан жуда оддий кўринишда бўлган аксарият чолғулар тарих силсиласида такомиллашиб борганилиги ҳам кузатилади. Бу борада, айниқса, халқимиз ислом динини қабул қилган вақтдан эътиборан сифат ўзгаришлари яққол кўзга ташланади. Инчунин, доира шаклидаги қадимги давр урма чолғулари асосида ҳарбий юриш, ов жараёни, тўй маросими ва халқ тантаналарида кенг қўлланиб келинган ноғора, довул, чиндоул, чилдирма, дафф (дап) каби нисбатан такомиллашган зарбли чолғулар юзага келди. Шунингдек, дамли бўйлама (узунасига ушлаб чалинадиган) сибзиксимон чолғулар негизида кўшнайн, сурнай, ва ниҳоят, суфийлар орасида алоҳида эъзозли найсимон чолғулар ривож топди. Шунингдек, икки торли, косахонаси ўртача ноксимон шаклдаги кўхна торли-чертма чолғулар IX-X асрлардан бошлаб ҳозирда бизга маълум бўлган салобатли ноксимон 4 торли уд чолғуси шаклига эга бўлди. Айни вақтда, дастасида боғланма пардалар мавжуд торли-чертма чолғулар нота ёзувининг ўзига хос илк шакли сифатида хизмат қилди. Қолаверса, шундай чолғулар асосида дастлаб Форобий (X а.), кейинги асрларда эса Сафиуддин Урмавий (XIII а.) ва Комил Хоразмий (XIX а.) ўзларининг мусиқа алифбоси, уд табулатураси, танбур чизиғи каби ўзига хос нота ёзувларини ихтиро қилдилар.

Мусиқа санъатининг янги мазмун-маъно касб этиши ва уни теран фалсафий идрок этиш борасида тасаввуф таълимоти ҳам аҳамиятли бўлган эди. Иттифоқо, сўфийликнинг маънавий комиллик ила Мутлақ Гўзалликка интилиш ғоялари шеърят ва қарийб барча санъат турларига ижобий таъсир кўрсатган. Табиийки, тасаввуфнинг баракотли таъсиридан мусиқа санъати ҳам четда қолмаган эди. Айнан шу даврларга келиб самоъ (қалбан завқли тинглаш) амалиёти кенг ёйилди, мусиқага тасаввуф намояндалари томонидан нозик таърифлар берилди.

Аслида, қалбларни ҳаяжонга солувчи гўзал самоъ намуналари ислом динининг инсонни азизу-мукаррам этишдек маънавий таълимотида мавжуддир. Инсон руҳини коинот сари юксалишига қувват бағишловчи бундай мўъжизавий самоъ намуналари эса, энг аввало, муқаддас Қуръони Карим сура-оятларини мумтоз тажвид услубида “ўқиш” жараёнида зухур этади. Зеро, «Қуръон тажвиди (аммо унинг ўзи эмас) ва танаввули ҳам самоънинг таянчи ҳисобланади» (Абдуманнон Назаров). Бу ўринда самоъ тушунчаси мазмунида гўзал овоз билан жилоланган муайян интизомли товушларнинг юксакликка мақсадли интиланган жонли ҳаракат жараёни ва уни қалбан завқли қабул қилиш (идроклаш) ҳолати англашилади. Бундай самоъ намуналари, айниқса, ишқ аҳли (сўфийлар)нинг руҳий *важд* ҳолатига етишиш йўлида амалга оширган зикри жаҳрий (зикру самоъ) жараёнларида кенг қўлланилиб келинди. Шу билан бирга Аҳмад Яссавий ижодий мероси ҳамда азиз-авлиёлар ҳаёти билан боғлиқ айрим воқеаларни ўзига хос оҳангли ўқиш услубига асосланган “Яссавийхонлик”, “Иброҳим Адҳам қиссаси”, каби китобхонлик анъаналари шаклланган эди. шу анъаналарнинг давоми ўлароқ келгусида “Навоийхонлик”, “Бедилхонлик”, “Машрабхонлик” каби мазмунан китобхонликнинг янги намуналари юзага келди.

Ушбу асрларда эришилган ижобий натижалар Амир Темур ва Темурийлар даврига келиб янги сифат босқичига юксалди. Зеро, XIV-XV асрларда мусиқа маданиятининг ҳар жиҳатдан ривожланиши учун зарур шароит ва омиллар яратилган эди. Шу даврларда ижод этилган илмий, бадиий ва мўъжаз тасвирий (миниатюра) асарлар шундан гувоҳлик беради. Айни вақтда Самарқанд ва Ҳирот шаҳарларида тасаввуфнинг комил инсон таълимоти билан йўғрилган “Ўн икки мақом” тизими шаклланиб, равнақ топди.

1.2. XVI-XIX асрлар давомида Туркистон хонликларидаги маҳаллий мусиқий анъаналар

XVI—XVIII асрларда табиий-илмий фанлар ўзларининг аввалги анъаналарини йўқота бошлади, уларнинг ривожига борган сари сусайиб борди. 1593 йилда Амир Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим» номли географик-биографик луғати, деярли шу йилларда Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро»сига илова этилган дунё харитаси вужудга келди. Айрим тарихий маълумотларда айтилишича бу даврларда тиббиёт соҳасида қатор амалий ишлар, турли табиблар, кўз дўхтирлари, синган суякларни тузатувчилар фаол иш олиб борган (Султон Али деган табиб «Табобат бўйича қўлланма» ёзиб қолдирган), йирик шаҳарларда касалхоналар мавжуд бўлган. Лекин XVIII асрларга келиб табиий фанларга эътибор сусайиб, умумий ижтимоий, сиёсий тарқоқлик биринчи навбатда шу илмларга салбий таъсир кўрсатиб, диний дунёқарашнинг таъсири кучайган. Адабиёт, шеърият билан боғлиқ ҳолда мусиқашунослик, мусиқа илми ривожига ҳам эътибор берилган. Бухорода Мавлавий Кавкабий мусиқа илми, мақомлар бўйича рисола ёзган.

Мовароуннаҳр санъати, илм-фан, маданияти бу асрларда ҳам бошқа мусулмон Шарқи, Эрон, Туркия, Кошғар, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан яқин алоқада бўлди, ўзаро таъсирда ривож топди. Бошқа ўлкалардан Мовароуннаҳрга турли зиёли, маданият арбоблари келиб ўз фаолиятини давом эттирганидек, Бухоро, Самарқанд каби турли шаҳарлардан чиққан олим, донишманд, санъат арбоблари бошқа мамлакатлардаги маданий оқимда иштирок этдилар.

Мовароуннаҳрда сўнгги асрлардаги тахт учун курашлар, парокандалик аста-секин ягона давлат таркибидан турли шаҳарларнинг ажраб кетиши, мустақил Хива ва Қўқон хонликларининг ташкил топиши, улар ўртасидаги уруш-зиддиятнинг авж олиши ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ёмон оқибатларга олиб келиш билан бир-га, маданий-маънавий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатди, унинг ривожига ғов бўлди, орқага кетувига олиб келди.

XVIII асрнинг иккинчи ярми Туркистон тарихида иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ўзаро низолар, урушлар, бошбошдоқлик, парокандалик аҳолининг ниҳоятда қашшоқлашган, маданий-маънавий жиҳатдан тушкунликка учраган

даври эди. Ўзаро ички низоларнинг кучайиб кетганлигидан фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1740 йиллар Бухорони ва Хивани босиб олиб ўзига қарам қилди. Бухоро тахтига ўз одами Муҳаммад Ҳаким оталиқни ўтказиб қайтди. Лекин Нодиршоҳ вафотидан сўнг (1747) Ҳакимхоннинг ўғли Муҳаммад Раҳим аштархонийлар сулоласини умуман четлатиб, 1753 йили ўзини амир деб эълон қилди. Шундай қилиб, Бухорода манғит қабиласидан чиққан сулола ҳукмронлиги бошланди.

Ўзбек хони Элбарсхон 1512 йили Хива хонлигани барпо этиб, унга Хоразмнинг қатор шаҳар, қишлоқлари, туркман ерлари ва Хуросоннинг шимолий қисмини қўшиб олган эди. Лекин бу хонликда узлуксиз ўзаро курашлар, хонликнинг туркманлар, қорақалпоқлар, Бухоро хонлиги, Эрон билан урушлари давом этганлиги иқтисодий-сиёсий аҳвол, маданий ҳаётнинг қашшоқланишига олиб келди. Абдуллахон II даврида Хоразм, Бухоро хонлиги томонидан босиб олинди. Абдуллахон II вафотидан сўнг Хива хонлиги яна мустақиллигини тиклаб олди. Шунингдек, 1598 йили Субхонқулихон яна Хоразмни Бухоро хонлигига қарам қилади. Узоқ вақт ўтмай Хива яна мустақил хонликка айланди. XVII асрда Хива хонлиги маданияти тарихида энг йирик арбоб сифатида иш кўрган хон Абулғозихонни кўрсатиб ўтиш мумкин. У фақат йирик давлат арбобигина бўлиб қолмай, машҳур тарихчи ва табиб ҳам эди. Абулғозихон Бухоро, Тошкент, Эрон шаҳарларида қувғинда, бир неча бор қамоқда бўлган, ниҳоят 1643 йили Орол ўзбеклари уни хон қилиб қўтардилар ва 1645 йили Хива тахтига чиқади. У деярли йигирма йиллик (1645—1663) хонлик даврида марказлашган давлат тузишга, мамлакат ривожини таъминлашга интилди, маданиятга эътибор берди. 1663 йили тахтни ўғли Анушахонга топширди. Абулғозихон фан тарихида машҳур олим, Хоразм тарихнавислигининг асосчиси сифатида ном қолдирди. Унинг қаламига мансуб «Шажарайи тароқима» («Туркманлар тарихи») ва «Шажарайи турк» («Турклар шажараси») каби асарлар Марказий Осиё тарихига оид муҳим манба ҳисобланади. Бу асарлар немис, француз, рус тилларига таржима этилган ва шарқшунос олимлар орасида маълумдир. XVIII асрнинг охирига келиб

Фарғона бутунлай Бухородан мустақил бўлиб ажраб чикди ва Қўқон хонлиги вужудга келди. Бу хонликнинг асосчиси минг қабиласидан чиққан Шоҳрухбий бўлиб, у XVIII аср бошларида Фарғонада мустақил давлат барпо этади. Бу давлат аста-секин атрофдаги қишлоқ ва шаҳарларни босиб олиш ҳисобига кенгая боради.

Норбўтабий (1769—1800) йилларда Қўқон хонлигидаги зиддиятларни тинчитиб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади. Бу хонлик XIX асрнинг биринчи ярмида анча ривож топди. У Тошкент ва унинг атрофидаги шаҳарларни, жанубий Қозоғистонни босиб олди, шунингдек, Фарғона шаркидаги вилоятлар ҳам унга қарам бўлди, ҳатто Кошғар чегараларига бориб етди, Олимхон, Умархон, Муҳаммад Али, Шералихон, Худоёрхонлар даврида Қўқон хонлигида ўзаро кескин курашлар давом этиб турди. Шу билан бирга Қўқон хонлигининг Кошғар, Хитой, Россия, Бухоро билан савдо-маданий алоқалари ривожланди. Шундай қилиб, ўзаро урушлар вақти-вақти билан кўтарилиб турсада, XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошига келиб Туркистонда уч мустақил давлат: Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келди. Мазкур уч давлатда маданият, адабиёт, илм-фан, санъат ўзига хос равишда ривожланди. Қўқон хонлигида XIX аср бошларида меъморчилик ривож топди, жуда кўп қурилиш ишлари олиб борилди, хусусан Қўқон, Марғилон, Наманган, Андижон каби йирик шаҳарларда турли бинолар: мадраса, масжид, хонақо, бозор, ҳаммом кабилар барпо этилди, каналлар ўтказилди, биноларни безаш ишларидан кенг фойдаланилди, ҳунармандчилик равнақ топди. Масалан: шу даврда мадрасаи Муҳаммад Ясовул, мадрасаи Ризқулбек, мадрасаи Офтоб ойм, мадрасаи Мингойим, мадрасаи Ҳакимхон тўра, мадрасаи Хўжа додхоҳ, мадрасаи Ҳаққули мингбоши каби мадрасаларнинг ўзидан бир нечтаси қурилди. Қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қўқон қоюзи бутун Марказий Осиё шаҳарларида ўзининг сифати билан ном қозонди. Китоб ёзиш ва безаш ишлари, хаттотликка алоҳида эътибор берилди, ўтмиш машҳур шоирларнинг асарлари кўчирилиб, махсус ранг ва чизмалар билан безатилди. Лутфий, Навоий, Умархонларнинг девонларидан иборат «Муҳаббатнома» деган бир

мажмуа махсус, чиройли қоғозга безаклар билан, гўзал хатда кўчирилиб хон томонидан Туркияга совға қилиб жўнатилган.

Кўқон хонлигининг сиёсий мавқеининг ошиши, иқтисодий-ижтимоий ривожидан маданий ҳаётда ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Ислом даъвати ва гўзаллик эстетикаси асосида раванқ топган фан ва маданият соҳасидаги ютуқлар XVI-XIX асрлар давомида Туркистон хонликларидаги маҳаллий муסיқий анъаналар билан уйғунлашиб, пировардида Бухоро-Самарқанд, Сурхондарё-Қашқадарё, Хоразм ва Фарғона-Тошкент маҳаллий муסיқа услублари қарор топди. Шунингдек, мумтоз мақом санъатининг ривожланиши пировардида XVIII аср ўрталарида Бухоро сарой маданиятида Шашмақом туркуми, XIX асрда эса Хива саройида Хоразм мақомлари, ҳамда Кўқон хонлигида Тошкент ва Фарғона шаҳарлари бўйлаб ёйилган мақом йўллари юзага келди.

XX асрга келиб эса шўролар тузуми даврида олиб борилган муסיқий таълим-тарбия соҳасидаги мафкуравий “раҳнамолик” ўлароқ халқимизнинг асрлар давомида қалбига жо бўлиб келган куй-оҳанг бойликларидан бебаҳра,(ҳолда, бўлиб), умрбоқий азалий қадриятларидан бегоналашган, бинобарин, миллий (наслий) ўзлигини англамай қолган,(унутаёзган,) ёш авлод вакиллари вояга етдики, пировардида миллий маданиятимиз учун ёт бўлган салбий ҳолатлар ҳам юзага чиқа бошлаган эди.

Ўзбекистон давлат Мустақиллигига эришгач кўп соҳалар қатори муסיқа маданиятида ҳам ҳаётбахш ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бугунги кунда жонажон Ватанимизда муסיқа санъатини кенг кўламда ривожлантириш ва ижтимоий-муסיқий маданиятни янада юксалтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди, ёш авлодга миллий ва жаҳон мумтоз муסיқаси асосида таълим-тарбия бериш ишлари йўлга қўйилди. Бу борада “Республикада муסיқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида” (1996 йил, декабрь), ҳамда “Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш” (2008 йил, июль), “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида” (17 ноябрь 2017 й.) ва “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида” (6 апрель, 2018 й.) эълон қилинган Президент фармони ва қарорлари бениҳоя муҳим аҳамият касб этди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ тарихан қисқа давр мобайнида кўп асрлик халқчил ва мумтоз муסיқа анъаналарини ўрганиш, ўзлаштириш ва тарғиб этишга қаратилган қатор эътиборли ишлар амалга оширилди. Инчунин, эндиликда Ватанимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта ва олий махсус таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабалари бу аждодлар муסיқасидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлдилар. Шу жумладан, миллий муסיқий мерос асосида ишлаб чиқилган “Ўзбек муסיқаси тарихи”, “Ўзбек халқ муסיқа ижодиёти”, “Ўзбекистон муסיқа санъати”, “Мақом асослари” каби қатор ўқув фанлари махсус таълим тизимида жорий этилди.

Айни вақтда, ўзбек муסיқашунослиги турли илмий йўналишларда тадқиқот олиб бориш салоҳиятига эга бўлган санъатшуносликнинг алоҳида мустақил фан соҳаси сифатида намоён бўлмоқда. Муסיқа санъатимизнинг илмий идроки ва инъикоси бўлган ўзбек муסיқашунослиги XX асрдан то ҳозирги кунга қадар босиб ўтган тарихий йўли даврида эътиборга арзигулик илмий-амалий ишлар рўёбга чиқди, янги, ҳаётбахш тамойиллар юзага келди. Миллий муסיқий мерос, бастакорлик ва композиторлик ижодиёти, замонавий йўналишлар ва ижрочилик масалалари ҳамда муборак саналарга доир турли миқёсда илмий-назарий анжуманлар ўтказилди, устувор йўналишли мавзуларда бир қатор тадқиқотлар бажарилди, кўплаб монография, махсус тўплам ва бошқа илмий ва ўқув адабиётлари нашр юзини кўрди.

Бинобарин, бугунги кун ўзбек муסיқашунослиги турли илмий йўналишларда тадқиқот олиб бориш салоҳиятига эга бўлган сертармоқ фан соҳаси сифатида намоён бўлади. Бунда тарихий ва назарий муסיқашунослик, мақомшунослик, этномуסיқашунослик, муסיқий манбашунослик, муסיқий танқидчилик ва социология каби тармоқлар намоён бўлади.

1.3. Мусиқа маданияти ва унинг ҳаётдаги ўрни.

Ўзбек халқининг мусиқа маданияти жуда узоқ тарихга эга. Тарихий тараққиёт давомида халқ мумтоз мусиқаси, анъанавий касбий мусиқа, халқ бастакорлик йўллари, шунингдек, фольклор - ҳаваскорлик мусиқий мероси сингари шаклан ва услубан бир-бирига яқин ижрочилик кўринишлари бир-бирини тўлдириб келди. Ушбу мусиқий меросимиз бугунги кунимизда ҳам маънавий маданиятимизнинг бир бўлаги сифатида намоён бўлмоқда. Мустақиллик шарофати билан миллий-маънавий қадриятларимизга, урфодатларимизга, унутилаёзган, тарихан қадрли анъаналаримизга бўлган эътибор, уларни янгидан ислоҳ этиш жараёни устивор йўналиш касб этди. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, маънавий бойлигимизга бўлган эътибор давлат миқёсига кўтарилди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ отабобларимиздан, аждодларимиздан қолган маънавий бойликларни, жумладан, мусиқий маданиятни авайлаб асраш, тиклаш борасида, қолаверса, замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаш борасида талайгина ишлар қилинди. Бу борада ўтган аждодларимиз бизларга мерос қилиб қолдириб кетган улкан маънавий бойлигимиз асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Тарихдан маълум, маънавиятимизнинг асосий бўғини бўлган мусиқий маданиятимиз, анъанавий қўшиқларимиз, мақом ижролари ҳамиша халқимизнинг кундалик ҳаётида маънавий озуқа сифатида эҳтироф этиб келинган. Халқ оғир кунларида мусиқадан нажот излаган, хурсандчилик кунларида ҳам қўшиқ ва мусиқа уларга ҳамроҳ бўлган.¹ Зеро, бугунги муборак мустақилликка эришган кунимизда, ўзлигимизни англаб бораётган бир даврда улкан маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлган, ота-бобларимиздан мерос бўлиб келган миллий мусиқий маданиятимизга суяниш, анъанавий қўшиқларимизга мурожаат қилиш табиий бир ҳолдир. Буларнинг барчаси баркамол авлод тарбиясида, ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Анъанавий мусиқа ва қўшиқларимиз одамларни ҳамиша иймонга, меҳр-оқибатга, одамийликка чорлаб келган.

Бугунги кунда ҳам шу долзарблигини йўқотмаган ҳолда мустақилликка, меҳнаткашлар онгини шакллантириш йўлида, баркамол авлод тарбиясида восита сифатида асосий омиллардан бўлиб қолаверади. Ашула, мусиқа, рақс, фольклор ижрочилиги санъати миллий мусиқа санъатининг халқ ҳаёти ва ижоди билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ва ривожланиб келган қадимий санъат турларидан ҳисобланади. Айниқса, халқимизнинг анъанавий руҳдаги кўшиқлари ўлмас мерос бўлиб, барча даврлардагидек бугун ҳам «лаббай» деб жавоб бермоқда. Лекин шу билан бир қаторда фақат тарихга сажда қилмай, бугунги куннинг руҳига мос тарзда кўшиқлар яратиш эса миллий мафкурамизни ривожлантиришда бош омиллардан бўлмиш мусиқий санъат билан шуғулланаётган барча мутахассис ва санъаткорларга муҳим вазифа қилиб қўйилиши табиийдир. Мамлакатимиз тамомила янги жамият, янги турмуш ва янги ҳаётни бошлаб юборди. Одамларимиз қалби, тафаккури ва тасаввурида ўзгаришлар пайдо бўлди. Президентимиз таъкидлаганларидай, маънавият масаласи миллат тарихи, ахлоқий ва диний қадриятлар, маданий мерос, анъана ва расм- русумлар, миллий мафкура, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, миллий ўзликни англаш сингари жуда кўп омилларни ўз ичига олади ва пировардида, инсон шахсини белгилашда асосий мезон вазифасини бажаради. «Халқимизнинг келажаги, - деб ёзади Ислоом Каримов, - энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир.

Маънавийлик ва маҳрифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди». Ушбу тамойиллардан келиб чиқиб, маънавий жабҳаларнинг барча йўналишлари ўзларининг мақсад ва вазифаларини белгилаб олишлари зарур бўлади. Айниқса, бу жабҳада мусиқий маданиятнинг маънавий ҳаётдаги ўзига хос ўрнини баҳолаш, унинг таъсирчанлик кучини мустақиллик мафкураси томон йўналтириш унинг бош мезони эканлигини англаш муҳимдир. Маданий ҳаётда бугунги кунда шу тамойилга кўра силжишлар кузатилмоқда. Ижодкорларнинг фикри- зикри ана шу тамойиллар йўлига йўналтирилган десак, хато қилмаган

бўламиз. Муסיкий маданият ўзининг серқирралиги билан ажралиб туради. Айниқса, ўзининг чуқур илдизлари қадимги даврларга етиб борадиган ўзбек халқининг бой муסיқа мероси ҳозирги кундалик ҳаётимиздан ҳам тушгани йўқ. У халқ ижодининг юксак намуналари, фольклор ижрочилиги, куй тузилиши, мазмунан ривожланган чолғу ва ашула асарлари, дostonлар ижрочилиги ҳамда мураккаб ижрочилик туркуми аталмиш мақом муסיқасини ўз ичига олади. Бундан ташқари, халқ муסיкий маданиятида ўзларининг барча даврларда сезиларли ҳиссаларини қўшиб келаётган халқ бастакорларининг ижоди ҳам салмоқли ўрин тутди.

XIX аср охирларига келиб ўзбек муסיкий маданиятида ўзгаришлар даври бошланди. Бу албатта, Туркистон ўлкасини Россия томонидан истило қилиниши билан боғлиқдир. Бу борада икки томонлама қараш билан ўрганмоқ зарур бўлади. Чунки баҳзи бир ҳолларда миллий муסיқа маданиятимизга салбий таъсирини кузатсак, иккинчи томондан, ўзига хос ривожланиш даври бўлганлигини ҳам эҳтироф этиш зарур бўлади. Чунки нота ёзувининг кириб келиши, ўлкамизда миллий муסיқа санъатимизни илмий равишда ўрганиш, фольклор ва этнография соҳасидаги ривожланишга сезиларли таъсир этди. Бу борада В.А. Успенский, Е.Е. Романовская, Н.Н.Миронов сингари муסיқашунос ва этнограф олимларнинг меҳнатларини айтиб ўтиш зурур бўлади. Илёс Акбаров, Мутал Бурхонов, Юнус Ражабий, Толибжон Содиков, Мухтор Ашрафий сингари муסיқамиз дарғалари улардан сабоқ олдилар. Бундан ташқари, жаҳон муסיкий маданиятининг дурдоналари саналмиш фортопиано сози, опера ва балет, симфоник ижро, жаҳон классик муסיкий созларининг кириб келиши муסיкий маданиятимизнинг ҳар томонлама серқирра ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Натижада, ўзбек халқ муסיқалари, қўшиқлари, мақомлари жой олган 20 жилддан ортиқ китоблар дунё юзини кўрди. Сўнгги 130 йил ичида муסיкий маданиятимиз мураккаб, кескин зиддиятларга, ижобий ва салбий кўринишларга тўла тарихий даврни бошидан кечирди. Ана шу ҳолатларга қарамай, ўтган даврлар мобайнида илм фан, санъат, жумладан, муסיкий маданият соҳасида фахрланишга арзигулик ишлар амалга

оширилганлигини эҳтироф этиш зарур. Яққол мисол сифатида муסיқа ижодиёти, ижрочилиги, муסיқа илми, таҳлими сингари соҳаларни олиш мумкин.

Шу ўтган даврларнинг салбий оқибатлари сифатида ҳаётимизнинг ўта сиёсийлаштириливи, миллий қадриятларимизни менсимаслик, унинг топталишига йўл қўйилиши, халқчил йўналишларга беписандлик муносабатида бўлиш, азалий халқаро маданий алоқалар ривожланишига сунҳий тўсиқлар қўйилиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Ҳозирги замон ўзбек муסיқа ижодиёти сержабҳа ва кўлами кенг, услубан бой ва рангбаранг, ривожланган ва шиддатли жараён сифатида гавдаланади. Зотан, муסיқий маданиятимиз жуда қадим, бетакрор ва ноёб анъаналарга эга бўлгани ҳолда, замона зайли билан янгидан-янги йўналиш, шакл, жанр, услублар билан янада бойиб бормоқда. Демакки, асрлар оша бизгача етиб келган ардоқли навобахш меросимиз қатори бир неча авлод ижодкорларининг кўркам муסיқий анъаналари маданий-маънавий мулкимизга айланди. Ҳар қандай санъат тури ҳар хил воситалар орқали ҳаётий воқеликни акс эттиришга қодир экан, сўнгги юз йиллик мобайнида Ўзбекистон муסיқасининг ривожланиши нечоғлик мураккаб ва ўзгарувчан ижтимоий шароитларда кечганини яққол тасаввур қилиш мумкин. Хусусан, 20-йиллардан эътиборан 10 композиторликка хос ифода воситаларининг изчил жорий этила бошланиши муסיқий маданиятимизда муסיқа ижодкорлигининг янги тизими барпо этилишидан далолат берди.

Табиийки, тез орада ўзбек халқ ижодиёти, анъанавий бастакорлик ҳамда ҳаваскорлик сингари ўзаро чамбарчас боғлиқ қатламлар билан узвий боғлиқ равишда миллий қадриятларимизга, «ноанъанавий» композиторлик ижодкорлиги муҳим тармоқ сифатида қўшилади. Умумбашарий маданий тараққиётга мос равишда мазкур жабҳа ўлкамизда тарихан жуда қисқа муддат ичида узил-кесил шаклланиб, самарали ривож топганини алоҳида эҳтироф этиш лозим. Ғарбий ва Шарқий Оврупа мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланибгина қолмай, ўзгача яратувчанлик қонун-қоидаларини ўзлаштириш, уни ўзбек халқ муסיқасининг бой имкониятлари билан моҳирона

пайванд қилиш мақсадида илғор композиторларимиз нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ минтақаси доирасида улкан ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Янгича мусиқий услубда ноёб замонавий асар яратиш, жаҳон халқлари мусиқаси ривожланишини ҳисобга олиб, тобора янгидан - янги ижодий уфқларни очиб бериш билан тавсифланувчи байналминал жараёнга Ўзбекистон ўз муносиб улуши билан дадил кира олди. Касбий улғайиш босқичларини тезкорлик билан ўтаб, ҳар томонлама етуқлик палласига кўтарилиши билан «Ўзбек композиторлик мактаби» дунё мусиқа маданиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга интилди. Асосан XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган ана шундай ижодга мойиллик даражаси илгари айрича ҳолда бўлган икки тоифадаги мусиқий тафаккур анъаналарининг ўлкамизда узвий муштараклигига эришилганлиги билан ҳам характерланади. Шу боисдан кўп овозлик услуб ила бунёд этилган турли жанрлардаги бадиий жиҳатдан баркамол, мумтоз асарлар маънавий қадриятларимизнинг жаҳоншумул салоҳиятини янада оширди.

Мусиқий маданиятимизнинг янги йўналиши бўлган ўзбек симфоник мусиқаси 70- 80-йилларда пешқадам сафга чиқиб олганини эслаб ўтайлик. Бу ўринда республикамизда, қўшни ва қатор хорижий мамлакатларда ўтказилган нуфузли маданий тадбирлар, концерт, кўрик-танлов ҳамда фестивалларда катта муваффақият билан ижро этилган ўзбекона поэмалар, сюиталар, увертюралар, фантазиялар, чолғу концертлар ва симфониялар халқаро мусиқа жамоатчилиги диққат-эътиборини қайта-қайта ўзига жалб қилган. Бугунги кунда ўзбек мусиқа санъати нафақат асл анъанавий кўринишларида, балки композиторлик йўналишларида ҳам халқаро миқёсда тобора кенгрок тан олинмоқда. Бу маънода соф чолғу мусиқаси, хусусан, унинг анча мураккаб саналмиш симфоник ижодиёти алоҳида эътиборга молик. Эндиликда республикамиз композиторлиги шунчаки хилма хил мусиқа жанрларида ёзиш ва изланиш тажрибаларидан иборат бўлмай, балки ноёб анъаналарига, мумтоз намуналар хазинасига эга сермахсул оқимдир. Уни турли йилларда халқчил куй оҳанглар заминидан яратилган ноёб ва бетакрор асарлар ташкил этади. Зеро, ҳар қандай

андозада басталанган муסיқанинг миллийлик, бадий баркамоллик, ўзига хослик, мазмундорлик, таъсирчанлик каби фазилатлари ҳамиша қадрлидир. Юксак касб маҳорати, теран билимдонлик, нозик дид билан кўҳна миллий анъаналарга таяниб яратилган асарларнинг умри боқийлигини биргина ўзбек симфоник муסיқаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Жумладан, 30-йилларнинг иккинчи ярмида яратилган Алексей Козловскийнинг овоз ва симфоник оркестрига мослаштирилган эҳтиросли «Тановар» поэмаси, «Лола» сюитаси, Рейнголд Глиернинг «Фарғона байрами» шодиёна увертюраси тингловчиларга ҳамон олам-олам завқу шавқ бағишлаб келмоқда. Симфоник оркестр иштирокида ижро этишга мўлжалланган ўлмас кашфиёт даражасидаги асарлар орасида Мутал Бурҳоновнинг яккахон, хор ва симфоник оркестр учун «Алишер Навойга қасида»си, Мухтор Ашрафий, Георгий Мушелр, Сулаймон Юдаковларнинг қатор симфоник асарлари, Дони Зокировнинг «Лирик поэма»си, Борис Надеждиннинг «Болаларга» сюитаси, Икром Акбаровнинг «Шоир хотирасига», «Эпик поэма»лари, «Самарқанд хикоялари» туркуми, Сайфи Жалилнинг «Самарқанднома» симфонияси, Тўлқин 11 Қурбоновнинг симфоник куйлари, Мирсодиқ Тожиевнинг «Шоир севгиси» поэмаси ва 19 та муҳташам симфониялари, Мирхалил Маҳмудовнинг 3 та симфонияси, Нурилла Зокиров, Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев, Ҳабибулло Раҳимов, Баҳрулло Лутфуллаев ва бошқа ижодкорларнинг ютуқлари муסיқий маданиятимиз равнақиға муносиб ҳисса бўлиб кўшилди. Заминимиздаги муסיқа санъатининг ривожини уч минг йилга бориб тақалади. Ўтган бу залворли даврлар мобайнида муסיқий маданиятимиз жуда кўп марта ўзининг узоқ ривожланиш даврини босиб ўтди ва халқимиз маънавий бойлигининг негизи сифатида эзгулик ва таракқиёт учун хизмат қилди. Шунинг учун ҳам биз жуда бой, ранг-баранг, кўлами кенг, услубан хилма хил, қиймати чин маънода бебаҳо даражали улуғвор муסיқий меросға эгамиз.

Ўрта асрларда фақат мумтоз ижодкорлик қатламида «Ўн икки мақом»дек муҳташам тизим, унинг негизида шаклланиб бизгача етиб келган Бухоро ва Хоразм мақом туркумлари, Фарғона-Тошкент мақомлари, анъанавий

ижрочилик ва сурнай йўллари, халқ бастакорлик ижодкорлиги, муסיқий дostonчилик санъати муסיқий маданиятимизнинг сарчашмалари сифатида баҳраманд қилиб келмоқда. Миллий чолғуларимизнинг тоифалари кўплиги, турфа якка ва жўрнавoзлик ижро анъаналарининг ўзига хослиги бўйича миллий муסיқа санъатимизга дунё узра тенг келадиганини топиш қийин. Шарқ муסיқа илмининг асосчиси деб бутун жаҳонда тан олинган ватандошимиз Абу Наср Форобий, буюк алломаларимиздан Абу Али ибн Сино, Абдулқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Зайнулобиддин Хусайний, Кавкабий Бухорий, Дарвиш Али Чангий ва бошқалар шарқона жаҳоншумул аҳамиятга молик ноёб назарий ва эстетик қарашларни ишлаб чиққан ҳолда мумтоз муסיқий асарларнинг ҳам муаллифи сифатида кенг танилгандирлар. Ана шундай халқчил ва устозона қатламлар орқали бизгача етиб келган муסיқий маданиятимиз туфайли тарихан жуда қисқа муддатларда Ўзбекистонда янада янгича, кўп овозли миллий композиторлик ижодиёти узил - кесил шаклланди, ўз қиёфасига эга бўлди, жадал раvнақ топди. Бунда халқ муסיқамиз, айниқса, мақомчилик анъаналари фақат ҳаётбахшликни таҳминлабгина қолмай, балки маҳсулдор замин бўлиб хизмат қилди.

Маълумки, улуғвор мақом санъати миллий маънавий мулкимизнинг энг қимматли ва ардоқли хазинасидир. Унинг асл намуналаридан неча-неча авлодлар баҳраманд бўлиб келишмоқда. Ҳатто кенг кўламли тарғибот учун расман тақиқланган пайтларда ҳам мақомларнинг мавқеи, амалий-ҳаётий моҳияти сақланиб қолаверди. Халқимизнинг юксак онги, диди, руҳий талаб ва эҳтиёжларига бастакорлик ижодиёти, устозона ҳофизлик ва созандалик ижрочилиги маънавий озуқа бериб келган. Шу боис бундай санъат усталари элюртимиз орасида ҳамиша кадрланганлар ва эҳозланганлар. Буюк истиқлол туфайли муסיқий маданиятимиз эски сиёсий - мафкуравий тазйиқлардан халос бўлди. Шу билан бирга, у кўҳна мумтоз анъаналаримизнинг тўла тикланишига, айниқса, ёш авлодларни билимдон, саводхон, маънавий баркамол даражада тарбиялашга мисли кўрилмаган имконият яратди. Хусусан, биз айнан мустақиллик даврида кўҳна мақом ижрочилиги ва анъанавий ижодкорлигида

юзага келган янгича ижодий салоҳиятнинг тикланишини кузатишга муяссар бўлмоқдамиз. Диний-фалсафий ашулалар масаласига келсак, булар, аввало бизнинг тарихий бойлигимиздир. Кимгадир ғайри табиий туюлса ҳам, бу йўналишга тўсиқ бўлмаслик аслида озодлик, эркинлик, юксак маданиятга хос чинакам демократик тамойилларнинг амалдаги яққол ифодаси бўлса керак. Чунки мумтоз шарқ шеҳриятида битилган илоҳий, тасаввуфona мавзулар ўтмиш мусиқамизда ўзининг оҳанрабо, таъсирчан ифодасини топган ва кадрланган. Бундай ашулаларнинг ўз тингловчилари, асосан, кексалар орасида шинавандалари, мухлислари бор.

Буни албатта, ҳисобга олиш зарур бўлади. Кези келганда шуни ҳам эҳтироф этиш керакки, Оврўпага турдош замонавий мусиқа ижрочилиги бўйича, жумладан, фортепиано, торли, дамли ва зарбли чолғулар, академик услубдаги хонандалик ихтисосликларидан кўплаб иқтидорли ёш мусиқачиларимиз вояга етмоқда. Уларнинг аксарияти республика ва чет мамлакатларда нуфузли халқаро 12 танловларда иштирок этишиб, ғолиб ва совриндорликни қўлга киритишаётгани қувонарли ҳолдир. Хулоса қилиб айтганда, мусиқий маданиятимизнинг халқ маънавий ҳаётидаги ўрни бекиёсдир. Мусиқий маданият халқ маънавий дунёсининг ажралмас қисми бўлиб, унинг маънавий эҳтиёжини барча даврларда қондирган ва ҳар доим ҳамдард бўлган, беминнат хизмат қилган. Зеро, бугунги мустақиллик давримизда ҳам ўзининг маънавий бурчини муқаддас билиб, халқимизга хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам мусиқа маданиятимиз бугунги куннинг улкан ижод майдонига айланди. Мустаҳкамлаш учун саволлар 1. Ўзбек халқининг мусиқа меросини қадим билан боғлиқлигини қандай тушунасиз? 2. Мусиқий маданиятимизнинг маънавий ҳаётдаги ўрни қандай? 3. Мусиқий маданиятимизнинг серқирралиги қандай тушунилади? 4. Мусиқий маданиятимиздаги ўзгаришлар қайси даврларни ўз ичига олади? 5. Ҳозирги замон мусиқа ижодиётига қандай баҳо берасиз? 6. Ўзбек мусиқа маданиятининг халқаро миқёсдаги аҳамияти қандай?

Назорат саволлари

1. Ўзбек халқ мусиқа мероси неча қатламдан иборат?
2. Халқ мусиқаси бизнинг даврга қадар қай тарзда етиб келган?
3. Кўҳна масканлардан топилган деворий чизмалар, терракота ҳайкалчалар қайси ҳудудлардан топилган ва уларда қандай чолғулар акс эттирилган?

2-мавзу: Фарғона-Тошкент мақом йўллари, Хоразм мақомлари.

Режа:

- 2.1. Ўзбек мусиқасининг энг қадимги даврлари.
- 2.2. Бирламчи тузилма сифатидаги оҳанглар.
- 2.3. Ўзбек халқининг мусиқа мероси тарихига назар.

Таянч сўзлар: Мусиқа, мерос, фольклор, тарих, устозона, оғзаки, куй-оҳанглар, маънавият, асрлар, нота ёзуви, анъанавий, Афросиёб, маросим, урф-одат.

2.1. Ўзбек мусиқасининг энг қадимги даврлари.

Ўзбек мусиқасининг энг қадимги даврларидан бошланган тарихини ўрганиш, хусусан, мусиқий мерос намуналарининг ривожланиш динамикасини ёритиб бериш масаласи ҳозирги мусиқашунослик фани олдида турган энг мураккаб вазифалардан биридир. Бироқ бу борада етарли далил бўла оладиган бирламчи манбаларнинг йўқлиги натижасида тадқиқот жараёнлари анчагина қийин кечмоқда. Мусиқий манбашунослик соҳаси асосан археологик топилмалар (терракота ҳайкалчалари, тош ва деворий тасвирлар), халқ оғзаки ижоди ва айрим ёзма маълумотларга таянган ҳолда фаолият кўрсатиб, бу йўналишда маълум ютуқларга эришди. Бу борада атоқли мақомшунос олим Исҳоқ Ражабовнинг илмий мероси ва эришган натижалари замонавий ўзбек мусиқашунослиги учун алоҳида қадрлидир. Зотан, алломанинг самарали илмий изланишлари фан ривожига баракали таъсир кўрсатди, қимматли илмий

тадқиқотлари негизида мақомшунослик ва муסיқий манбашунослик каби фан тармоқларига асос солинди.

Хусусан, олим Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлёзма фондларида сақланаётган ўрта асрларга оид араб имлосида битилган кўплаб муסיқий рисоаларни юқори малакали даражада шарҳлаб берган эдики, пировардида, мақомшунослигимиз анъанавий мумтоз мусиқанинг тарихи, ўтмишдаги тизимлари ва моҳиятини англаш борасида муҳим манбаларга эга бўлди.

Манбашуносликка ҳисса қўшган ўзбек олимлари қаторида Д.Рашидова, А.Жумаев ва А.Назаровларнинг илмий фаолияти эътиборлидир. Жумладан, Д.Рашидова Имомқулихон саройи мусиқачиси ва мусиқашунос олими Дарвиш Али Чангийнинг “Рисолаи мусиқий”сини тўлиқ ҳолда рус тилига таржима қилиб, зарур изоҳлар берган, А.Жумаев эса Ибн Сино, Нажмиддин Кавкабий илмий мероси устида тадқиқотлар олиб борган.

Абдуманнон Назаров қомусий алломалар – Абу Наср Форобийнинг «Китабул-муסיка ал-кабир», «Китабул ийқаъат» ва «Китаб фи ихсаул-ийқаъат», Ибн Синонинг «Китабуш-шифа», Сафиуддин Урмавийнинг «Китабул-адвар», Абу Бакр ал-Бухорий ал-Калободийнинг «Китабу-таъарруф ли-мазҳабит-тасаввуф», Умар Ҳайёмнинг «Рисола (фил) мусиқа» каби илмий асарларини серкўлам (таржима, шарҳ, тадқиқ) ёритишга муваффақ бўлган.

Муסיқий манбашуносликда ҳам амалга оширилиши зарур бўлган ишлар талайгина. Ўз вақтида И.Р.Ражабов илмий меҳнати боис асос солинган муסיқий манбашунослик тармоғи кейинчалик А.Назаров, З.Орипов, Д.Рашидова, А.Жумаев ва И.Дадажоноваларнинг илмий фаолияти ўлароқ қимматли манбаларни кўлга киритишга муваффақ бўлди. Лекин кўпгина илмий манбалар борасида амалга оширилган серкўлам илмий изланишлар ҳосиласи ҳозирга қадар нашр юзини кўрмагани боис мутахассисларнинг кенг оммасига номаълум бўлиб қолмоқда. Шундай муҳим аҳамиятга эга илмий ишлар қаторида, масалан, Д.Рашидова таржимасидаги Дарвиш Али Чангийнинг “Тухфатус сурур” ва А. Назаров таржимасидаги С.Урмавийнинг “Китабул-адвар” рисоаларини қайд

этиш мумкин. Қолаверса, Абдулқодир Мароғийнинг «Мақасидул - алхан» ва «Жами-ул - алхан» номли шох асарлари ҳам ҳозирга қадар муסיқашунослик талаблари даражасида ўрганилмаган.

Шунингдек, муסיқий манбашунослик эришган илмий ютуқлар, асосан, ўрта асрлар мумтоз муסיқаси билан боғлиқ. Бироқ ижтимоий муסיқий тафаккурнинг қадимги даврлардаги даражаси ҳамда кейинги тадрижий ривожига хусусидаги тасаввурларимиз мавҳум бўлиб қолмоқда. Эндиликда, бу жараёнга бизгача етиб келган халқ муסיқаси ва мумтоз муסיқа намуналарини кенгрок жалб этиш, уларни муסיқий археология кесимида тадқиқ этиш вақти келди. Зеро бу намуналарда жамланган турли давр муסיқа қатламларини, шу жумладан, қадимийликка мансуб муסיқий ёдгорликларни муסיқшунослик илми эришган натижалар асосида бир қадар аниқлаб олиш имкони мавжуд.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, энг қадимий давр муסיқа (қуй) намуналари қуйи оқим хусусиятига эга бўлган. “Бирламчи тузилма” ибораси билан тавсиф этилган бу тоифа қуй-оҳанглари одатда энг қуйида жойлашган таянч товушга нисбатан маълум баландликдан (терция, кварта ёки квинта) бошланиб, қуйиликка (пастга) қараб ҳаракат этади, “сирғанади”. Бунда дастлабки бошланғич нуқта (товуш)дан туриб қуйи нуқта (товуш) сари тўғридан-тўғри (содда), поғонама-поғона ҳаракат содир бўлиши ёки ҳаракат йўналиши ёндош товушлар воситасида “безакланиб” пастга тушиши қайд этилади.

Бирламчи тузилмаларнинг шаклланишида табиий йиғи нидолари аҳамиятли кўринади. Чунки уларнинг умумий қуй йўналишида маълум ўхшашликлар мавжуд. Жумладан йиғи хусусиятини ўрганган муסיқашунос олимлар унга хос жиҳатлар қаторида ғамнок оҳангларнинг бадиҳавийлик тарзда эркин баён этилиши ҳамда қуйи сирғанма ҳаракатларга мойилиги каби жиҳатларни таъкидлайдилар.

Бирламчи тузилма сифатидаги оҳанглар бизнинг даврга қадар турфа жанр ва шаклларда етиб келган бўлиб, жумлаан, анъанавий тарзда (муқим ҳолда)

ижро этиб келинаётган маросим ва болалар халқ кўшиқларида ўз кучини сақлаб келмоқда.

Муסיқий меросимизнинг турли жанрларига мансуб ушбу намуналарда бирламчи тузилма хусусиятларини пайқаб олиш қийин эмас – уларнинг барчасида куй-оҳанглари юқори товушдан бошланиб, энг куйида жойлашган таянч пардага қараб ҳаракатланади. Бунда айниқса “Ёр-ёр” ва “Рамазон” айтимларига йиғи (унинг куй шаклидаги ифодаси)га хос “куйи терция” оҳанглари асос бўлганлиги сезилиб туради .

2.2. Бирламчи тузилма сифатидаги оҳанглар

Бирламчи тузилма хусусиятларининг юқорида кўриб ўтилган никоҳ тўйи “Ёр-ёр”, диний маросим (Рамазон) а болалар (“Ёмғир ёғалоқ”) халқ кўшиқларида намоён бўлиши айна пайтда муסיқашунос олимларимизнинг (В.М.Беляев, Ф.М.Кароматов, И.Ражабов) ушбу жанрларнинг келиб чиқиш илдизлари жуда қадимий эканлиги хусусидаги фикрлари асосли эканлигини кўрсатади. Алалхусус: “Муסיқа шарқшунослиги соҳасида самарали иш олиб борган атоқли олим В.М.Беляевнинг фикрича, ҳозирги кунда ўзбек ва тожикларда муסיқа асарларининг дастлабки шакллари маросим кўшиқлари, болалар кўшиқлари, оналар алласи, йиғилар воситаси билан бизгача етиб келган. Бу фикр ҳақиқатга яқиндир. Ҳатто оналар аллалари, дostonчи-шоирлар айтадиган қатор дoston ва кўшиқлар, ёр-ёр кўшиқлари ўзининг содда интонацияси, ритмик хусусиятлари жиҳатидан муסיқа маданиятининг дастлабки даврларига мансубдир” – деб ёзган эди санъатшунослик фанлари доктори И.Ражабов.

Куйи оқим (бирламчи тузилма) куй-оҳанглари халқимиз муסיқий тафаккурида узоқ вақт ҳукм сурган ва шу асосда кейинчалик куй-оҳангларининг ўзга шакллари ҳам юзага келган кўринади .

Муסיқий мероснинг қадимий қатламлари қаторида ангеми-tonика хусусиятли (яъни таркибида ярим тонли товушлар нисбати бўлмаган) оҳанглар эътиборимизни ўзига тартади. Одатда, ушбу тоифага таллуқли оҳангларнинг

қуйи оқимга мойил кам сонли (2, 3, 4) товушлари муносабатида сўздош оҳангларга хос (ёндоз секунда ва кварта) интерваллар етакчи ўрин тутлади. Шу боисдан уларнинг тарихий келиб чиқишини ижтимоий муסיқий тафаккурда кварта интервали муҳим ифода оҳанги сифатида шаклланган кўҳна даврга (П.П.Сокальский таъбири билан айтганда “кварта даврига”) мансуб, деб қараш мумкин.

Унинг дастлабки шакллари халқ муסיқасининг узоқ ўтмишга оид айтим намуналарида (“Суст хотин”, “Арғамчи” ва б.), шу жумладан, халқ ижодиётининг кўҳна қатламларидан ҳисобланган болалар кўшиқлари куй негизида кузатилади. Дарҳақиқат, ангемитоника сифатига эга оҳанг тузилмаларида қадимийликка ишора этувчи қатор аломатлар намоён бўлади. Жумладан, лад асоси бизнинг бу хусусдаги бугунги тасаввуримизга мувофиқ келмайди.

Шуни айтиш керакки, ангемитоника сифатли оҳанглар халқ муסיқий тааққури ривожлана боргани сари янги жиҳатлар билан тўлдирилган. Жумладан, қуйи сакрама оҳанглар орасида ёндоз товушлар пайди бўлган, марказий таянч парда хусусияти аста секин қуйи таянч тамойилига бўйсунган ва ҳ.к. лекин шундай бўлишига қарамай бу тоифа оҳанглар буткул йўқ бўлиб кетмаган, балки у ёки бу кўшиқнинг дастлабки оҳанг асоси (кўҳна қатлами) сифатида сақланиб қолган. Чунки аслида энг қадимий ва, одатда энг оддий тузилмалар (лад) парда-оҳанг кесимида ҳаёт кечиришга ниҳоятда мослашган бўлади.

Қадимий пардалардан бизга мерос қолган яна бир муҳим муסיқий ёдгорликни “даракчи” оҳанглар тоифаси ташкил этади. Бу оҳанглар кварта интервали ижтимоий онгда ахборот етказиш (сигнал узатиш) садолари сифатида қарор топган даврларга тааллуқлидир. Хусусан, “даракчи оҳанглар” ўтмишда турли вазиятларда (масалан, ҳарбий мақсадда, ҳавф-хатардан огоҳ этиш, байрам кунлари, тантаналарни дараклаш ва ҳ.к.) қўлланилган.

Даракчи оҳангларнинг муסיқий сифати белгиси оҳанг сакрамаларининг кенг намоён бўлиши билан тавсифланади. Бунда сакрамаларнинг таянч нуктаси

марказда жойлашган бўлиб, ана шу пардадан туриб ҳам қуйи, ҳам юқори йўналишларда оҳанг ҳаракатлари юзага келади.

Бу каби оҳанг сакрашлари натижасида ҳажми кичик еттилик (септима) ёки соф саккизлик (октава) оралиғини қамраб олувчи парда уюшмалари ҳосил бўлади. Бироқ гоҳо бу пардаларнинг таркибида айрим босқичлар қўлланилмайди ва бунинг натижасида таркибий нотўлиқ товушқатор зинапоялари юзага келади. Бунга “Арғамчи”, “Лайлак келди”, “Суст хотин” каби қўшиқлар яққол мисолдир. Бинобарин, даракчи оҳанглар қўлланилган айтим намуналари таҳлил қилинганда ана шу парда хусусиятларига ҳам эътибор бериш тавсия этилади.

Шу таъкидлаш жоизки, ушбу мақола доирасида мухтасар кўриб ўтилган кўҳна оҳанг тузилмалари бизга турли тарихий даврлардан “хабар” берувчи муסיқий ёдгорликлар бўлиши билан бирга муסיқий мероснинг янги намуналари ижод этилиши жараёнига ҳам фаол жалб этиб келинган. Таниқли Э.Алексеев таъбири билан айтганда: “илк халқ айтимлари ривожланган куйли айтим шаклларида “хитой девори” билан тўсиб қўйилмаган. Аксинча, уларнинг тарихий ривожи товушларнинг ўзаро муқим боғланган тонал комплекслари шаклланишига интилгандир”.

Бирламчи тузилма ва даракчи оҳангларнинг халқ ижодиёти билан бир қаторда мумтоз муסיқа намуналарида ҳам қўлланиб келинаётганлиги бу фикрни бир қадар бўлса-да тасдиқлайди деб эътироф этами.

2.3. Ўзбек халқининг муסיқа мероси тарихига назар.

Буюк Турон заминида муסיқа маданияти ва ижрочилик санъатининг ривожланиши қадим замонларга боғланиб кетади. Буюк шарқ алломалари Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Паҳлавон Маҳмуд, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Паҳлавон Муҳаммад, Нажмиддин Кавкабий, Дарвиш Али Чангий ва бошқа улуғ бобокалонларимиз ўзларининг рисолаларида ижрочилик санъати, муסיқа илми ва тарихи, чолғу

созларининг тузилиши, ижровий услублари, санъаткорлик қонун - қоидаларига оид қимматли маълумотларни баён этиб кетганлар. Машҳур дидактик асар «Қобуснома»да ҳам ҳофизлик ва санъаткорликнинг қоидаларига бағишланган алоҳида боб ўрин олган.

Заминимизда ўтказилган тарихий қазилмалар натижасида топилган дуторга, сурнай, қонунга, найга ўхшаш созлар, тошларга ўйиб битилган созандаларнинг соз чалиб турганидаги тасвирлари, миниатюра асарларидаги созанда ва ҳофизларнинг расмлари ўлкамизда ижрочилик санъати қадимдан ривожланиб келганлигидан далолат беради. Шарқ халқларининг муסיқий мероси бўлмиш Мақом, Мўғом, Дастгоҳ, Навба, Рага, Кюи каби ижрочиликнинг мураккаб туркумлари авлоддан - авлодга оғзаки равишда ўтиб келган. Тарихий манбалар, билимдон устоз санъаткорларнинг фикри ҳамда илмий тадқиқотларга қараганда, XIII-XVII асрларда Ўрта Осиё, Хуросон ва Озарбайжон халқлари муסיқасида қуйидаги ўн икки (Дувоздах) мақом мавжуд бўлган. Булар «Ушшоқ», «Наво», «Бузалик», «Рост», «Хусайний», «Хижоз», «Роҳавий», «Зангула», «Ироқ», «Исфаҳон», «Зирофқанд», «Бузург». 13 Яна бир тарихий манбага мурожаат қиладиган бўлсак, улуғ олим Мирзо Улуғбек Тарағайнинг «Рисола дар илми муסיқа» (Муסיқа илми ҳақида рисола) китобининг «Дар баёни дувоздах мақом» (ўн икки мақом зикрида) бобида шундай фикрлар келтирилади: Хожа Абдулқодир ибн Адуррахмон Мароғий, Хожа Сайфидин Абдулмўмин, Султон Увайс Жалоирийларнинг сўзларига қараганда, аввалда мақомлар еттита бўлгон: «Мақоми рост», «Мақоми Ушшоқ», «Мақоми Наво», «Мақоми Роҳоҳ», «Мақоми Хижоз», «Мақоми Ироқ», «Мақоми Хусайний». Яна ушбу рисолада улуғ бобомиз Улуғбекнинг ўзи танбур ва ноғорани жуда яхши чалганлигини, «Булужий», «Шодиёна», «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон», «Усулий отлиғ» сингари куйларни ихтиро қилганлигини таъкидлаб ўтади.

Юқоридаги фикрларга суянган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкинки, тарихий шароитда янги ижро йўллари сайқалланган кўринишлари билан жилоланиб келган. Кейинчалик халқнинг этник жойлашиши, яшаш

шароитлари, турмуш тарзига қараб уларнинг турлича маданий ривожланиш даврига асосланиб ҳар хил мақом йўллари ҳам ўз ўрнини топганлиги эҳтимолдан холи эмас. Натижада XVIII асрга келиб Бухоронинг «Шашмақом» (Олти мақом)и: «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ироқ» мақомлари ўзининг наср ва мушкулот қисмлари билан ривожланган бўлса, Фарғонанинг «Чор мақом»и (Тўрт мақом), «Дугоҳ Хусайний»нинг еттита йўли, «Чоргоҳ»нинг олтита ижрочилик йўли, «Шахнози Гулёр»нинг олтита ижрочилик йўли ҳамда «Баёт» йўлларининг савти ва тароналари билан жиллоланиб, ижро этиб келинган. Хоразм мақомларида ҳам юқорида таъкидланган олти мақом ижросини алоҳида услубий ва ўзига хос йўналишини кузатиш мумкин.

Бунда фақат кейинчалик еттинчи мақом сифатида чертим йўлидаги «Панжгоҳ» мақоми киритилган. Шунинг учун авлоддан авлодга ўтиб келган бебаҳо муסיқий бойлиги саналмиш Бухоро, Хоразм ва Фарғона, Тошкент мақомлари, бетакрор ашула ва катта ашулалар сингари дурдоналар бизга берилган улуғ неҳмат сифатида ардоқланади. Халқ санъатининг улкан билимдони устоз Юсуфжон қизик Шакаржонов: «Миллий муסיқа санъатимиз бамисоли бир дарахт бўлиб, унинг томири Хоразм, танаси Бухоро, шохлари Фарғонадир», - деб таҳрифлаган эканлар. Устознинг бу сўзларида катта маъно ётади. Муסיқий ижрочилигимизнинг яна бир йўналиши дostonчилик санъати Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм воҳаларида жуда ривожланган бўлиб, халқ бахшилари томонидан севиб ижро этиб келинади.

Тарихий манбаларга мурожат этадиган бўлсак муסיқий маданиятимиз узоқ тарих билан боғланганлигини гувоҳи бўламиз. Бунга қадимшунослар томонидан топилган ашъвий далиллар тош деворларга чизилган муסיқий созлар ва созандалар суратлари, миниатура кўринишидаги шохлар саройларидаги базмларда созандалар тасвири, муסיқий ижрочилигимизнинг садолари асрлар оша бизга етиб келганлигидан далолат беради. IX-XII асрларда Ўрта Осиё муסיқий маданиятида ўзгаришлар даври бўлганлиги манбаларда кўрсатиб ўтилади. Лекин X-XII асрларда ижод қилган созандалар, ҳофизлар ва

бастакорларнинг номлари ва уларнинг ижодий фаолиятлари ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. Устоз муסיқашунос олимларнинг ёзма манбаларига асосланиб баҳзилари устида тўхтаб ўтишни лозим топдик.

VI-VII асрларда яшаб ижод этган Ўрта-Осиёлик Фахлбод Борбад ҳақида маълумотларга қараганда муסיқашунослик, бастакорлик, созандалик ва ҳофизлик борасида тенги йўқ санъаткор бўлганлиги эҳтироф этилади. Афсонавий ижрочилик маҳоратига эга бўлганлиги ҳақида ёзган устоз муסיқашунос олим Ар-розий Борбаднинг буюк ижрочилик маҳорати билан биргаликда муסיқий созларнинг ҳам яратувчиси бўлганлигини айтиб ўтади. Борбад яратган муסיқа асбоби X-XII асрларда Хуросон ва Туронда кенг тарқалганлигини ва унинг 4 тарли бўлганлигини ёзади. Қадимий кўлёмаларда X-XII асрларда ижод қилган Абубакр Рубобий, Бунаср, Буамир ва чангчи Лукорий ва бошқа созанда ва ҳофизларнинг номлари эслаб ўтилади. 14 IX-X асрда яшаган буюк шоир Абу Абдулло Рудакий ўз замонасининг чанг созларини чалишда моҳир бўлганлиги, айниқса «Бўйи жуйи мулиён» шеҳрини ушшоқ куйида айтилгани қадимги кўлёмаларда кўрсатилган.

Адабиётшунос олим Н.Маллаев қадимий кўлёмалар асосида X-XII асрларда танбур, рубоб, кус ноғора, кўбиз, табл, танбурок, зир, най, чағона, шайпур, сурнай, карнай, арғунан, қонун каби тарли, зарбли ва пуфлаб чаладиган чолғу асбоблари ўлкамизда кенг тарқалганини ва ўн икки мақом тараққий топиб такомиллашганини кўрсатиб ўтган. Ўша даврнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотий турк» асарида қадимий туркий халқларнинг халқ оғзаки ижоди ва кўшиқлари, байрам ва маросимларидаги меҳнат кўшиқлари, қахрамонлик кўшиқлари ҳақида намуналар берилган бўлиб, ўша замонда кўшиқчилик жанри ривож топганини кўрсатади. X-XII аср муסיқа ва ашула санъатига доир баён этилган ноёб маълумотлар Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарида ҳам учрайди. X асрнинг буюк қомусий олими, муסיқашунослик фанининг улуғ кашфиётчиси Абу Наср Ал Фаробий (873-950) бўлиб, унинг муסיқа соҳасида яратган асарлари асосида оврўпа олимлари ҳам қатор асарлар яратганлар. Фаробий ўз фаолиятида муסיқа илмини тадқиқ этиш

билан бирга физиологик асосларини ишлаш устида ижод қилди ва «Қонун», «Ғижжак» каби янги муסיқий созларни кашф этди. Унинг муסיқа соҳасидаги назарий асарларидан «Китаб ул муסיқа алкабир» («Катта муסיқа китоби»), «Калом факултет-ил муסיқи» («Муסיқа ҳақида сўз»), «Китоб фи ихсоал ибқоҳ» (куйлар таснифи ҳақида китоб»), «Китоб фи-н накра музофа илал ибқоҳ» (Ритмга қўшимча қилинадиган силжишлар ҳақида китоб») китоблари маълум. Академик Музаффар Хайруллаевнинг «Форобий» асарида унинг муסיқа ижоди ҳақида қимматли маълумотлар берилади.

Форобий Туркистоннинг Фароб (Ўтрор) шаҳрида туғилган бўлиб, унинг отаси Муҳаммад Тархон туркий қабилалардан эди. Аввал Ўтрорда, ўқиб, сўнгра Боғдодга бориб унда фалсафа, табиёт, муסיқа фанлари билан чуқур шуғулланади. Қадимги Юнон фойласуфларидан Афлотун (Платон), Арасту (Аристо-телр) ларнинг дунё қарашларини чуқур ўрганиб, уларнинг таҳлимотларини қайтадан ишлаб чиқди. Бу эса унга Аристотел-дан кейин «Устод соний» (Иккинчи устод) номини беради. У ўша даврнинг энг ўткир созандаси, бастакори, Ўрта Осиёда ва Яқин Шарқда муסיқа маданиятининг йирик арбоби сифатида танилди. Форобий ўша давр ижрочилик санъатида ҳам бениҳоя катта шухрат қозонди. Унинг муסיқа йўналишидаги назарий асарлари келажакда Ўрта Осиё халқлари муסיқа фани тараққиётига асос бўлди ва шу билан бирга дунё муסיқа фани ривожига ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилди. Яна бир улуғ аллома Абу-Али Ибн Сино (980-1037) ҳам муסיқа назарияси билан шуғулланган бўлиб, 1931 йилда Махмуд ал Хавфнинг Берлинда нашр этилган Ибн Синонинг муסיқа ижодига бағишланган китобида Абу-Али Ибн Синони катта муסיқа назариячиси ва унинг муסיқа асбоблари ҳам кашф этгани тўғрисида маълумот беради. Яна шу китобда улуғ олимнинг муסיқа ҳақидаги «Китоб ун нажот» асарининг арабчадан немисчага таржимаси берилган.

Абу Али Ибн Сино медицина, фалсафа, муסיқа соҳасида «Алқонун фит-тиб» («Тиб қонун»), «Китоб ул шифо» («Шифо китоби»), «Донишнома», «Рисола фиал муסיқий сайр мо фи ал шифо» («Муסיқа тўғрисида» «Шифо»да берилгандан бошқа рисола») каби қатор асарларни ёзди. Ибн Синонинг

мусиқага доир мулоҳазалари «Китоб уш шифо» асарига алоҳида бир қисм қилиб киритилган. Юқоридаги асарларда Ибн Сино мусиқанинг эстетик аҳамияти ва таъсир кучига эътибор бериб, айрим жисмоний ва рухий касалликларни мусиқа воситаси билан шифолаш усулларини ўз амалиётида жорий қилади. Бу яна ўша даврда мусиқа санъатининг юксакликка эришганини ҳам кўрсатади. Абу Али Ибн Сино Бухоронинг Афшона қишлоғида туғилган бўлиб, отаси Абдуллоҳ асли Балхлик давлатманд ва маданиятли киши бўлиб, ўғлини ёшлигидан қобилияти, истехдодини, зеҳнини кўра билган ҳолда унинг ўқишига катта эътибор беради.

Ибн Сино Бухорода яшаган даврида Сомонийларнинг бой кутубхонасидан фойдаланади ва Юнон ки- 15 тобларини тинмай қироат қилади. 999 йилда Қорахонийлар томонидан Сомонийлар давлати қулатилгач, Урганчга келиб Хоразм олимлари қаторидан жой олади. Кейинчалик Маҳмуд Ғазнавий тазйиқи остида кўп шаҳарларни кезиб 1037 йилда Ҳамодонда вафот этади. Х асрда яшаб ижод қилган Муҳаммад Ибн Ал Хоразмий мусиқа ҳақида асар ёзиб, ўзининг «Мафотих ул улум» деб аталган қомусий асарига асосий боблардан қилиб қўшган. Хоразмликлар қадимдан мусиқа ва рақс ҳамда қизиқчилик шайдоси бўлганликларига Алишер Навоий ҳам шоҳидлик беради. У ўзининг «Сабҳаи сайёр» достонида бир мусиқашуносни Хоразмдан келтириб гапга солганлигини куйидаги мисраларда ифодалайди. Чун дуо қилди, деди фарзона, Ки дей ўз кўргонимдан афсона, Менки тушмиш буён чузор менга, Мулк Хоразм эрур диёр менга, Санъатим онда соз чолмоқ иши. Қилмойин мен каби ишимни киши, «Илм адвор» фан мусиқий Мендин ул, илм бўлди таҳқиқий.

Шундан кўринадики, қадимги замонлардан бери мусиқий санъат дунёсида Хоразм юксак ўринда бўлган. XI-асрда дунёга келган «Қобуснома» асарининг 36-боби ҳам мусиқа санъатига бағишланган бўлиб, унда китоб муаллифи Кайковуснинг чолғучи ва ҳофизларга қандай куй танлаш ва қачон, қаерда ижро этиш ҳамда санъаткор одоби ва маданиятлари тўғрисидаги насиҳатлари, ўша даврда мусиқий санъатнинг тараққиёти юксак даражада кўтарилганлигидан далолат беради. XII асрдан бошлаб Ал-Форобий, Абу Али

Ибн Сино музика назариялари замирида маҳаллий тилларда музика фани ҳақида қатор асарлар майдонга кела бошлади. Хоразмлик олим Ар-Розий ўзининг XII -асрда ёзган «Жомехул -улум» қомусининг бир бўлимини музика фанига бағишлаган. XIII - асрда Муҳаммад Ибн Маҳсуд аш- Шерозий (1236-1310) «Дар илмий музикай», Сайфутдин Абдул Мўҳмин ал Урмавий (1294 йилда вафот этган) нинг «Рисолатун Шарафия» каби асарлари ҳам музикага бағишланган. Музика илми билан ўрта аср олими Муҳаммад ал Амулий ҳам шуғулланган. Замонамизнинг атоқли музикашунос олими санъатшунослик доктори Исҳоқ Ражабов (1927-1982) XIII- асрда майдонга келган ал-Урмавийнинг «Рисолатун Шарфия», Аш-Шерозийнинг «Дар илмий музикай» асарларига илова қилинган ва уд сози учун ёзилган қадимий музика ноталарини шартли белгилар билан ҳозирги замон нотасига ўгиришда тажрибалар ўтказди.

Муҳим аҳамиятга эга бўлган бу тадқиқотда XIII-асрда нотага олинган қадимий музика тузилишини ҳозирги замон ўзбек куйларига жуда яқинлиги аниқланган. Тарих зарварақларига назар солганимизда улуғ бобомиз Амир Темур даврида ҳам маданият ва санъат ривожланганлигини гувоҳи бўламиз. Айниқса Абдулқодир Мароғийнинг Шом давлатидан олиб келиб сарой музикачиларининг раҳбари этиб тайинланганлиги ҳам унинг музика санъатига ихлосманд бўлганлигидан далолат беради. XVII- аср музика тарихчиси Дарвиш Алининг маълумотига қараганда Хожа Абдулқодир Мароғий исфахонлик бўлиб, ўша давр Шарқининг буюк музика олими, бастакор ва назариётчиси эди. У Самарқандга келгач, сарой театри ва музикасига раҳбарлик қилди. Самарқандда ўз мактабини яратди, кўплаб шогирдлар тайёрлади ва музика тарқиётга катта ҳисса қўшди. Унинг қаламига мансуб «Зубдатул адвор», «Мақосидул илҳон» номли китоблар ёзилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлиб, Дарвиш Али яна «Миатайин» номли музика тўплами яратгани ҳақида маълумот беради. 16 Амир Темур ўз тузукларида ўнинчи тоифа хунарсанъат эгаларидир. Уларнинг давлат хонага келтириб ўрдада ўринлар белгиланган, деб таҳрифлайди.

Ёзма манбаларда яна шу даврнинг йирик бастакор созандаларидан Сайфитдин Найи ва Қутби Найи, Саид Юсуф (кўбуз), Дарвиш бек каби мусиқа соҳасида машхур бўлган санъаткорлар қаламга олинади. Мовароуннаҳр маданияти ва санъати айниқса Улуғбек (1394-1449) замонасида юксакликка кўтарилди. Профессор Абдурауф Фитрат Улуғбек даврида Самарқандда ижод қилган Дарвиш Ахмадий Қонуний, Султон Аҳмад Найи, мусиқий рисола ёзган қоракўллик Ҳисорий, Хоразмлик Абу Вафо, мусиқашунос олим мавлоно Соҳиб Балҳий, Шаҳрисабзлик бастакор Абул Барака, машхур созанда Навоийнинг муаллими Хўжа Юсуф Бурхон, Навоийнинг тоғаси Муҳаммад али Ғарибийлар каби ўша замоннинг машхур санъаткорларини қаламга олиб ўтади.

Машхур мусиқашунос Ҳофиз Дарвиш Алининг қаламига мансуб «Тухфатус сурур» асарида айтилишича Улуғбек Мирзонинг ўзи ҳам мусиқий олимлардан саналган. «Муҳит ат таворих» китобида уни бастакор сифатида «Булужий», «Шодиёна» - (бу бизгача етиб келган), «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон», «Усули Баҳри» каби йирик мусиқа асарлари яратгани кўрсатилади. Маълумотларда шаҳар санъаткорлари ичида яллачи аёллар ва раққосалар ҳам бўлганлиги айтиб ўтилади. Улуғбек вафотидан сўнг санъатдаги ривожланиш даври Ҳиротга кўчди. Бунинг бевосита раҳбарлигида улуғ бобомиз Алишер Навоий турди, подшоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро ҳомийлик қилди.

Навоий бутун Мовароуннаҳр, Хуросон санъат ва адабиёт, маданият аҳлининг сарбони бўлиб янги таракқиёт поғонасига олиб чиқди. Шу давр ичида ўзбек халқининг мусиқа маданияти юксак чўққига кўтарилди. Буюк мусиқа устозлари энг истеъдодли талабаларни ўз тарбиясига олди. Янги куйлар, кўшиқлар, мусиқа назариясига оид асарлар майдонга келди, талантли созандалар, бастакорлар, ҳофизлар етишиб чиқди. Устози ва дўсти буюк шоир Абдурахмон Жомий ҳам бу борада қалам тебратиб «Рисолал мусиқий» асарини ёзди. Бу асарда ўзбек халқининг қадимий ўн икки мақоми ҳақида қимматли маълумотлар берилди. Яна бир замондош олим Зайнобурдин Ал Хусайний «Қонуни илми ва амали мусиқий» номли мусиқий дарслик ёзиб, уни Навоийга

бағишлади. Нуритдин Марғилонийнинг «Мақсадул адвор» («Муסיқа илмини мақсади») рисоласи ҳам майдонга келди. Навоий фақат санъаткорларнинг ҳомийси бўлибгина қолмай, у муסיқа олими ва бастакори ҳам бўлган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур унинг бир қатор муסיқа асарлари яратганини, жумладан «Нақши» (ашула)лари, «Пешрав» (муסיқа)лари борлигини «Бобурнома» асарида ҳикоя қилади. Ўзларининг таҳаллуслари ҳам «Наво» га боғланганликлари замирида муסיқага яқиндан ошно бўлганликларини кўрсатади!. Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарининг иккинчи мутриб (ашулачи), муғанний (созанда) фаслида мутриб ва муғаннийлар ижроларини таъсирчанлиги ва тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритади ва най, ғижжак, танбур, чанг, уд, рубоб, қўбуз, қонун, чағона, каби муסיқа асбобларини фазилатларини ҳам таҳрифлайди.

«Мезонул авзон» асарида Навоий туюқ чанги, туркий, орзуворий, муҳаббатнома, мустаҳзод каби халқ кўшиқларининг 8 тури, уларнинг вазн хусусиятлари ҳақида маълумотлар беради. «Ҳамсатул-мутаҳаййирин» асарида эса Навоийнинг муסיқа назариясига катта эътибор бергани намоён бўлади. Бу асарда Мавлоно Али Ўохнинг тенги йўқ созанда, назарийтчи эканини ва унга бир назарий дарслик ёзишни топширганини айтади. Бундан ташқари устод Қулмуҳаммад, Хўжа Шаҳобиддин, Абдулломарваридий, мавлоно Биноий каби муסיқашуносларнинг муסיқага оид асарлар ёзганларини кўрсатиб ўтади. Навоий «Холати Паҳлавон Муҳаммад» асарини ўз даврининг буюк бастакори, ўн икки мақомнинг такомиллашувида катта ҳисса қўшган Паҳлавон Муҳаммаднинг муסיқа ижодига бағишлади.

Ўша давр муסיқа маданияти ҳақида Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам қимматли маълумотлар берган. Унинг ёзишича устодлар Қулмуҳаммад, Абдулло Марворидий, Хусайн Удий, Дарвишбек, Юсуф ўғлоқи (қўбиз), Ғулом Шоди, Шайхи найи, Шайх қули (ғижжак)лар Навоийнинг ёрдами ва ғамхўрлиги туфайли шуҳрат топганлар. Зайниддин 17 Восифий ўзининг «Бадоеҳул вақеҳ» асарида Навоий замонасида халқ санъатини катта ривож топгани тўғрисида ёзиб, Ҳасан Найи, Аҳмад Ғижжакий, Али Кучак Танбурий, Ҳасан Болобоний,

Мирзо Байрам, Гиёсиддин каби созанда ва бастакорларни номларини келтиради. Зайниддин Восифийнинг маълумотларига қараганда Ҳирот Сафавийлар томонидан ишғол қилинганда беш юзга яқин санъат аҳли Мовароуннаҳрга кўчиш қилганлиги, булар орасида Қосим Али қонуний, ашулачи ва созанда аёл (туғанния) ЧақарХоним, Саид Аҳмад Гижжакий, Муҳиби Али Болобоний, Ҳасан Уди, Ҳусан Уди, Ҳусайн Кучак найи, Ҳофиз Мархонанда, раққослардан Мақсуд Али кабилар борлиги айтиб ўтилади. Профессор Абдурауф Фитрат ҳам XV-асрда Мовароуннаҳр ва Ҳиротда ижод қилган. «Ишрат» исмли чолғу созини чаладиган устод Абулқосим ва Ҳусайн Бойқаронинг муסיқий муаллими, андижонлик мавлоно Юсуф Бадийи, (Ҳусайн Бойқаро ҳам муסיқа билан шуғулланганлиги шундан кўринади), танбурга бир сим кўшимча қилиб ижро этган.

Маҳмуд Шайбоний, Абдуқодир Марғилоний, Ҳабибуллоий чанги, Мухаррабий чангчи, Али Шунқар, Мехтар Шамсиддин ноғорачи, Мехтар Имом ноғорачи, Алижон гижжакийлар каби ўша замоннинг муסיқий устозлари ҳақида маълумот беради. XIV аср охири XV асрда Фарғона, Тошкент, Бухоро, Кеш ва Хева каби Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоят ва шаҳарларида ҳам маданий ҳаёт, жумладан муסיқий маданият ривож топди. Фарғона ҳукмдори Умаршайх (Бобурнинг отаси) ўз пойтахти бўлмиш Андижонга санъат аҳлини йиғишга ҳаракат қилган. Ўша давр санъат равнақи ҳақида «Бобурнома»да маълумотлар берилди. Бобур ўша давр Андижон муסיқий муҳитининг устозларидан Хўжа Юсуфни, Восидий эса Тошкентлик бастакор, созанда Шоҳ Ҳусайнни эслаб ўтадилар. XVI-XII аср муסיқий санъатнинг тараққиётига назар солсак, ўртадаги бир қанча узилишлардан сўнг, олдинга силжишлар рўй берганини гувоҳи бўламиз. XVI-асрнинг йирик шоири ва муסיқашунос олими Нажмитдин Кавкабий (1576 йилда вафот этган) раҳбарлигида ўн икки мақом янада мукаммалашди.

Дарвиш Алининг ҳикоя қилишича, Ҳиротда таҳсил кўрган мавлоно Нажмитдин Кавкабий Убайдуллохон томонидан Бухорога олдириб келинган ва бу ерда ўз мактабини яратиб, ўзбек муסיқаси такомилустида иш олиб борган.

У Хўжа Муҳаммад Мавлоно Ризо Самарқандий, Хўжа Ҳасан Нисорий, Мавлоно Ҳасан Кавкабий, Боқи жарроҳ каби мусиқашуносларни тайёрлаган. Кавкабий «Рисолаи мусиқий» асарини яратиб мусиқа назарияси фанига катта ҳисса қўшган. XVI аср охири XVII асрда Шайбонийлар ҳукмдорлиги даврида Бухорога турли ерлардан санъаткорларни олиб келиб тўплаш давом эттирилади. Убайдуллоҳон (ўзи шоир сифатида девон қолдирган) Ҳиротни босиб олганда машҳур Ҳофиз Ахий Гаравийни Бухорога олдириб келади ва Гаравий Бухорода мақом ижрочилари мактабини ташкил қилади.

Дарвиш Алининг шоҳидлик беришича Ахий Гаравий мактабида Хўжа Ҳамза Тошкандий, Хўжа Бобо чангий, Дарвиш Маҳмудий Андижоний, Ҳофизи Ушшоқий каби Мовароуннаҳрнинг турли жойларидан келган ҳофизлар тарбияланганлар. XVII -асрнинг йирик созандаси, мусиқа тарихчиси ва назариячиларидан бири Дарвиш Али Чанги бўлди. У 12 бўлимдан иборат «Рисолаи мусиқий» асарини яратди. Бу асар ўша давр мусиқа тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Унда мақомлар, мақомларнинг шўрбалари, усулларига ва мусиқа назариясига кенг тўхтайтиди. Дарвиш Али рисоласига турли даврларда яшаган созандалар ҳақида ва ўша замон мусиқа асбоблари танбур, чанг, най, қўшнайн, қонун, уд, барбад, рубоб, қўбуз, руд, ғижжак, ишрат, кунгура, дутор, сетор, сурнай, болобон, ноғора, карнай, доира каби созлар тўғрисида кенг маълумот беради. Бу даврда яна номаълум муаллифлар томонидан «Рисолатун фиилмил мусиқий», «Рисолаи карамия» каби мусиқа назариясига оид асарлар ҳам ёзилади.

XVII-асрнинг иккинчи ярмига келиб мусиқа санъати яна тушкунликка тушади. Мовароуннаҳрнинг уч хонлик ва амирликка бўлиниб кетилиши сезиларли таъсирини кўрсатади. Бунинг натижасида маданий-мусиқий ҳаётда ажралишлар рўй беради. Шунга 18 қарамасдан Хива хонлигида, Бухоро амирлигида, Қўқон хонлигидаги мусиқий санъат муҳити ўз ҳолича давом этди ва бирмунча муваффақиятларга ҳам эришилди. Ўтмишда нота ёзуви бўлмаганлиги сабабли оғиздан оғизга ўтиб келган мавжуд халқ мумтоз куй ва кўшиқлари эндиликда нотага олинган бўлиб, бу хайрли ишни В.А. Успенский,

Е.Е. Романовская, И.А. Акбаров, М. Юсупов, академик Юнус Ражабий сингари алломалар амалга оширдилар. Бу борада, айниқса, устоз Юнус Ражабийнинг хизматлари беқиёсдир.

Натижада «Ўзбек халқ музыкаси», «Шашмақом», «Хоразм мақомлари», «Гулёри Шахноз» сингари кўп жилдли қатор мусиқий тўпламлар дунёга келди ва халқимизнинг чинакам маънавий бойлигига айланди. Ушбу тўпламларда мақомларни ва халқ анъанавий кўшиқларини наср ва мушкулот, айтим ва чертим йўлларини устоз ҳофизлар ва моҳир созандалар ажойиб сайқаллар бериб ижро этишиб келмоқдалар. Яна шуни айтиш жоизки, халқимизнинг улкан мусиқа меросини, фольклор санъатини илмий таҳлил қилиб, уни халққа етказиш борасида мусиқашунос олимларимизнинг ҳам хизматлари катта бўлиб, ўзларининг китоб ва монографияларида, қўлланма, дарсликларида, мақола ва чиқишларида илмий нуқтаи назар билан асослаб бермоқдалар.

Бу борада Файзулла Кароматов, Илёс Акбаров, Исроқ Ражабов, Тўхтасин Гофурбеков, Рустамбек Абдуллаев, Абдуманнон Назаров, Оқилхон Иброҳимов, Отаназар Матёқубов, Равшан Юнусов сингари таниқли мусиқашуносларимизнинг меҳнатлари беқиёсдир. Ўлкамизда мусиқий меросимизнинг ажралмас қисми бўлмиш ҳофизлик азалдан муқаддас саналган. Ислом оламида муқаддас китобимиз бўлмиш «Қурҳон» оятларини дилга жо қилиб, унинг зери - забарлари билан ёддан ижро этган алломаларни «Ҳофизи Қурҳон» деб юритганлар. «Ҳофиз» арабча сўз бўлиб, «ёдда сақламок» маъносини англатади. Ҳофиз - Оллоҳнинг 99 исмларидан бири деб ҳам таҳрифланади. Мумтоз ҳофизларимиз исломий билимлардан ҳамда бадиий шеҳриятдан хабардор бўлганлар. Шунинг учун ҳам улар ижро этган кўшиқлар ниҳоят таъсирчан бўлиб, тингловчиларни ўзларига ром эта олган.

Мумтоз шоирларимизнинг беқиёс маънога эга бўлган ғазалларини куйга солиб, ижро этган кўшиқлари учун «Ҳофиз» деган номга мушарраф бўлишлари ҳам қандайдир рамзий маъно касб этиши табиийдир. Бу ўринда Мажзуби Намангонийнинг куйидаги сатрлари ибратлидир: Дема танбур ноласин қўл ташлаганда тордин Билки келмиш бу тарона санъати Жаббордин. Шундан

кўринадики, мусиқа инсон жисмига жон билан кирганлигини, бунда илоҳий қудрат борлигини ислом уламолари ҳам эҳтироф этишган.

Улуғ аллома Алихонтўра Соғуний «Тарихи Муҳаммадий» китобларида шаҳодат беришларича, пайғамбаримиз Расулulloҳ (С.А.В.) Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб шаҳарга киришларида ёш жория қизлар чилдирмалар чалишиб, қуйидаги кўшиқ ва алёрларни айтишган экан: Тўлин ой чикди бизларга Видо тоғини устидин, Керакдур шукрини айтмоқ, бу дунё борича биздин, Келибсиз, хуш келибсиз, эй юбормиш тангрини нури Қабул этмак эрур биздин, худо амри келур сиздин. Бани нажор аҳлининг ёш қизлари бўлурмиз, Муҳаммаднинг келганин бахтимиз деб билурмиз. Хуш келдингиз бизга сиз, кадамингиз муборак, Оёқ босган изингиз кўзга сурма қилурмиз. 19 Шундан кўринадики, кўшиқ, алёр, лапар айтиш Пайғамбаримиз (С.А.В.) давридан бизга мерос бўлиб қолган.

Ўтмишдан мақом ва анъанавий мумтоз кўшиқларнинг дунёга келишида ва ижро этилишида барча даврларда яшаган халқ бастакорлари ва хофизларининг ижодлари давр билан ҳамоҳанг бўлган. Бунга машҳур бастакор ва ижрочилар Борбад Марвазий, Абу Хафз Суғдий, Абу Бакр Рубобий, Абул Аббос Бахтиёр, Абдулқодир Мароғий, Дарвишали Чангий, Пахлавон Муҳаммад сингари бобокалонларимизнинг ижодларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижодида ҳам мусиқа санъати катта ўрин тутган. Қуйида шоирнинг «Ҳофиз» радибли шеҳридан мисол келтирилади: Чекти булбул киби минг лаҳз ила дoston Ҳофиз, Йўк анингдек яна бу даврда хушхон Ҳофиз.

Ҳофиз этган киби халқ лутфи они Қурҳонда, Бўлдик онинг доғи ҳар холида Қурҳон Ҳофиз. Сендадир наҳмаи Довуд ила инҳофи Масих, Бордурур йўк эса даврон фаровон Ҳофиз. Эй Навоий, дема лахнига недин бўлдинг сайд, Халқ сайдига кони ўйла хуш илҳом Ҳофиз. Ғазал сатрларида Навоийнинг ҳофиз аҳлига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтироми, хонанда санъатини улуғлаш, хушхон ҳофизларнинг сифатлари ифодаланади. Болалигидан чолғучи бўлган Довуд

пайғамбар мусиқа санъатининг пири ҳисобланади. Шу сабабдан ушбу ғазалда «Наҳмаи Довуд» ибораси қўлланилган.

Ўзбек халқ мусиқасининг жанрларига асосланиб яратилган асарларни ижро этувчилар қадимдан турлича номланган: хонанда, ҳофиз, ашулачи, қўшиқчи, яллачи, катта ашулачи, лапарчи, талқинчи, мақомхон, савтхон, бахши, шоир, зокир, муғанний, мутриб, йировчи, гўянда сингарилар. Бу ижрочилар бир неча гуруҳга бўлинадилар, чунончи, мақом ижрочиларига мақомхон, ҳофиз, хонанда, савтхон дейилса, достон, мусиқа ижрочиларига бахши, шоир, достончи, йировчи дейилган.

Халқ орасида кенг тарқалган жанр ижрочилари - яллачи, лапарчи, ашулачи, қўшиқчи сингари номлар билан аталиб келинган. Шу ўринда айтиш керакки, барча мақом ижролари ва машҳур қўшиқлар турли даврларда қайсидир бастакор томонидан яратилган. Бу ижролар халқона бўлганлиги сабабли халқ орасига сингиб кетган ва халқнинг маънавий бойлигига айланган. Шу боис бизнинг давримизда ҳам яратилган анъанавий қўшиқларимизнинг машҳурлари бастакорлар томонидан яратилиб, халқ орасида машҳур бўлиб кетишининг сабаби ҳам шундадир. Масалан, Юнус Ражабийнинг «Не наво», «Куйгай», Тўхтасин Жалиловнинг «Кокилинг», «Ўйнасин», Комилжон Жабборовнинг «Этмасмидим», Имомжон Икромовнинг «Сўлим», Саиджон Калоновнинг «Эй сарви равон», Дони Зокировнинг «Эй сабо», Орифхон Ҳатамовнинг «Хоҳ инон, хоҳ инонма», Раҳматжон Турсуновнинг «Ғамзасин» сингари юзлаб қўшиқлар бунга мисолдир.

Анъанавий қўшиқ ижрочилиги тарихига назар ташласак, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўлкамизда бу муқаддас санъатнинг бутун бир ижрочи авлоди етишиб чиққанлигининг гувоҳи бўламиз. Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёс Абдулғани, Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Домла Ҳалим Ибодов, Леви Бобохонов, Содирхон ҳофиз Бобошарифов, Зоҳидхон ҳофиз, Мадали ҳофиз, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Матёқуб Харратов сингари забардаст ҳофизлар шулар жумласидандир. 20 Ўтмишда нота ривожланмаган бўлиб, Оврупа мусиқа терминлари ўрнида ҳофизларимиз овоз маромига қараб

«Гуллиги», «Бинниги», «Шиками», «Хонақоҳий» деб аталмиш нафас олиш, чиқариш ва ижро йўлларидадан фойдаланишган.

Ўша давр ҳофизларининг овозлари ўктам, бақувват бўлганлиги сабабли улар кўпроқ «Шиками» йўлида ижро этганлар. Бу йўлда ижро этиш ғоятда мураккаб бўлиб, шинавандалар томонидан жуда қадрланган. Чунки ҳофиз товушини ичкаридан тежамкорлик билан қорин бўшлиғидан чиқариб қўшиқ айтади. Шунинг учун ҳам «Шиками» йўли чуқур нафас олишга асосланиши, тиниқлиги ҳамда жарангдорлиги билан «Гуллиги», «Бинниги» каби ашула йўлларидадан фарқ қилади. Устоз ҳофизлар ўз ижрочилик маҳоратларини ошириш учун акс-садо берувчи махсус гумбазли биноларда машғулот ўтказганлар, шу тариқа овозларига сайқал беришган. «Шиками» йўлидан фарқ қилувчи «Хонақоҳий» йўли бўлиб, унда ҳофиз қўшиқ сўзларини аниқ талаффуз этиб, тингловчига ғазал мазмунини ифодали қилиб етказган.

Устоз ҳофизларимиз дастурларидан ҳар хил маросимларда ижро этиладиган қўшиқлар ҳам ўрин олган. Масалан, Содирхон ҳофиз қўшиқларни созсиз, икки кафтини қулоғига қўйган ҳолда, аламли «Якка фарёд» тарзида, «Хонақоҳий» йўлида ижро этиб келган. Ўз ашулаларини йил фасллари ва ҳатто, куннинг маълум пайтларига кўра танлаб айтган. Баҳор тонгларида - «Амин насруллои», «Қийик», «Қора тонг»ни, пешиндан кейин «Гулёри Шаҳноз»ни, кечкурун «Сарпарда», «Рок баланд», «Дилхирож» ва бошқаларни куйлаган. Бундан ташқари, устоз ҳофизларимиз қўшиқ ижро этиш билан бирга мақомларни ўзлаштириб, бетакрор муаллиф сифатида мақомларни янги шўхбалар билан бойитганлар.

Масалан, мақомдон устоз Ота Жалол Носиров «Шашмақом» нинг мушкулот қисмларини тартибга солган, айрим мақом шўхбаларини кенгайтирган, ривожлантирган ва қўшимча қисмлар басталаган. Жумладан, улардан бири «Савти Жалолий» деб аталади. Марғилонлик Мадали ҳофиз эса «Абдурахмонбеги», «Қаландар», «Тановар» каби ижро йўлларида янги талқинлари билан тўлдириб, санъатимиз хазинасини янги ижролар билан бойитди. Шу тариқа умрбоқий мақомларимизга устоз ҳофизларимиз ижросида

кўшимча жило берилиб, янада тўлдирилиб ижро этиб келинмоқда. Бизнинг давримизга келиб ҳам бу хайрли ишлар давом этди. Масалан, машҳур ҳофиз ва бастакор Фаттоҳхон Мамадалиев «Насруллои» мусиқа йўлларига сўз солиб, унинг талқинчасини, уфорисини, соқиномасини яратди. «Мискин»нинг бешта йўлини, «Чоргоҳ» нинг бешта йўлини, «Умрзоқполвон ушшоқи»нинг соқинамоларини кўшиб, ушшоқларнинг қадимий ижроларини тиклади. «Бузрук»нинг сурнай йўлларини талқин қилди.

Изланишлар натижасида халқ анъанавий ижрочилиги бир неча ижро йўллари билан бойиди, улардан бири туркум сифатида «Савти Фаттоҳхон» номи билан ижрочиларимиз ва олимларимиз томонидан тан олинди. XX асрнинг 20-30-йилларига келиб анъанавий кўшиқчилигимизга иккинчи бир авлод кириб келдики, бу улуғ ҳофизларимиз санъатимиз хазинасини ўзларининг мумтоз кўшиқлари билан бойитдилар.

Уларнинг муборак номларини ҳурмат ва эҳтиром билан зикр этиб ўтиш жоиздир. Хоразм воҳасидан Матпано ота Худойберганов, Куржи ота Авазматов, Мадрахим Ёқубов (Шерозий), Жуманиёз Хайитбоев, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Бухоро, Самарқанддан Ота Ғиёс Абдулғани, Михаил Толмасов, қори Каромат, Тиллабой ҳофиз, Уста Шоди, Тожихон ҳофиз, Боруҳ Зеркиев, Тошкентдан Шораҳим Шоумаров, Иноғом ва Илҳом ҳофизлар, Абдулқаҳҳор, Султонхон, Юнус Ражабий, Бобоҳон ва Акмалхон Сўфихоновлар, Хўжанддан Тўрахўжа ҳофиз, Абдуқаюм ҳофиз, Каримжон ҳофизлар, Фарғона водийсидан Ҳамрокул қори Тўрақулов, Эрка қори Каримов, Болта ҳофиз Ражабов, Мамадбобо Сатторов, Шерқўзи Бойқўзиев, Ҳайдарали Ҳикматов, Холқора ҳофиз, Беркинбой Файзиев, Абдулла Файзуллаев, Жўраҳон Султонов, Маҳмуржон Узоқов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Акбар Ҳайдаров, Бобораҳим Мирзаев, Ашурали ҳофиз, Умрзоқ 21 полвон Сайдалиев сингари ҳофизлар ўзларидан олдин ижро қилиб ўтган устозларнинг кўшиқчилик санъатини давом эттиришиб, анъанавий ижрочилигимизда ҳар бирлари бирбирига ўхшамаган ажойиб ижро услубларини ҳам яратдилар, шу билан бирга, ўзлари басталаган асарлари билан кўшиқчилигимиз хазинасини

бойитдилар. Бу борада, айниқса, Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Матпано Худойберганов, Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Жўрахон Султонов, Юнус Ражабий ижодлари бунга мисол бўла олади. Содирхон ҳофиз ижро этган «Ушшоқи Содирхон» номи билан машҳур бўлиб кетган. Хожи Абдулазиз басталаган «Гулузорим» кўшиғи, Жўрахон Султонов басталаган ва ўзи ижро этган «Гулузорим қани», «Найлайн» кўшиқлари анъанавий меросимиз қатори муסיқий хазинамиздан мустаҳкам ўрин олди.

Шу ўринда айтиш лозимки, кўшиқчилик санъатимиз ривожига ўзбек бастакорлари ва созандалари ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Имомжон Икромов, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, Муҳаммаджон Мирзаев, Мухторжон Муртазоев, Фахриддин Содиков, Абдуҳошим Исмоилов сингари юзлаб бастакорлар яратган кўшиқ ва куйлар халқ мулкига айланиб қолди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, анъанавий кўшиқчилик, ялла, лапар, ўлан ижрочилиги ривожига аёл ҳофизаларимизнинг қўшган ҳиссалари ҳам беқиёсдир.

Аёллар иштирокида ўтадиган йиғин ва мажлисларда аёл ҳофизалар хизмат қилишган. Машҳур ёзувчимиз Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романида Қўқон хони Худоёрхон саройидаги ҳофизалар тўғрисида аниқ маълумот беради. Нусрат ҳофиз, Мисқол ҳофиз, Тош ҳофиз, Марғилонлик Зебохон, Ботирбоши хола, Тилло ҳофиз, Тожихон ҳофиз, Хон оғача, Мисоқ оғача, Улуғ ўюнчи, Ражабхон ҳофизларнинг номлари зикр этилади. Кейинчалик ҳам бу анъаналар давом эттирилиб, Лутфихон ая, Адолатхон ая, Ҳадяхон Ҳамдамова, Ҳалимахон Носирова, Тамарахоним, Саодат Қобулова, Зайнаб Полвонова, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова, Раҳимахон Мазоҳидова, Ҳабибахон Охунова, Олмахон Ҳайитова сингари забардаст ҳофизаларимизнинг кўшиқчилик бўстонидаги хизматлари беқиёсдир.

Уларнинг анъаналарини ҳозирда етук, талантли ҳофизалар давом эттирмоқдалар. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб анъанавий кўшиқчилигимиз гулдастаси навбатдаги авлод кўлига ўтди. Ориф хожи Алимахсумов, Очилхон Отахонов, Орифхон Ҳотамов, Муҳаммаджон Каримов, Одилжон Юсупов,

Фаттоҳхон Мамадалиев, Таваккал Қодиров, Муроджон Аҳмедов, Рўзимат Жуманиёзов, Расулқори Мамадалиев, Фахриддин Умаров, Толибжон Бадинов, Қувондиқ Искандаров, Эсон Лутфуллаев, Алижон Ҳасанов, Неҳматжон Қулабдуллаев, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Тожиддин Муродов, Камолиддин Раҳимов сингари машҳур ҳофизлар шулар жумласидандир. Буюк истиқлолимиз шарофати билан анъанавий кўшиқчилик санъатимиз ривож топмоқда.

Улуғ устозлар Жўрахон Султонов, Маҳмуржон Узоқов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Комилжон Отаниёзов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Одилжон Юсупов, Таваккал Қодиров, Отажон Худойшукуров номлари билан ўтказилаётган республика ва воҳалар ёш хонандалари кўрик танловлари, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжуманида ҳофиз ва хонандаларимизнинг эришаётган муваффақиятлари, «Ўзбекистон - ватаним маним» республика кўшиқлар кўрик танловининг анъанавий тарзда ўтказилиши кўшиқчилик санъатимизнинг келажак авлод кўлига топширишда кўприк бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда устозлар анъанасини давом эттиришиб, қатор санъаткорлар муваффақиятли ижод қилмоқдалар. Улар устозлар мактабига суянган ҳолда ўзларига хос ижро йўллари ва услублари билан кўшиқчилик хазинасига сезиларли ҳисса қўшмоқдалар. Ота-боболаримиз асрлар мобайнида эҳозлаб, сайқал беришиб, катта ижодий

Назорат саволлари

1. Мусиқашуносликда ўзбек халқ мусиқа ижодиётини ўрганувчи фан тармоғи қандай аталади?
2. Дастлабки этномусиқашунослик куртаклари қайси фольклорист олимнинг асарида намоён бўлади?
3. XX аср этномусиқашунос олимлари кимлар эди?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимова А.Н. Традиционный музыкальный язык узбекского, каракалпакского и уйгурского народов. – Ташкент, 2008. – 161 с.
2. Азимова А.Н. Звуковой мир каракалпаков. – Ташкент, 2008. – 64 с.
3. Янов-Яновская Н.С. Узбекская музыка и XX век: работы разных лет. – Ташкент, 2007. – 272 с.
4. Мурадова З. Детская песня в творчестве композиторов Узбекистана / Отв. ред.: д. иск. О.А. Ибрагимов – Ташкент: Vaktriapress, 2015. – 240 с.
5. Галицкая С.П., Плахова А.Ю. Монодия: проблемы теории / Науч. ред.: д.иск., проф. М.Н. Дрожжина. – М.: Academia, 2013. – 320 с.
6. Алексеев Э. Проблемы формирования лада. М., 1976. С.25.
7. Алексеев Э. Раннефольклорное интонирование. М., 1986.
8. Иброҳимов О.А. Ўзбек халқ мусиқа ижоди (Методик тавсиялар), Тошкент, 1994.
9. Орипов З. Устоз ва олим. // “Ражабийхонлик” илмий-амалий анжуман материаллари.–Т., 1993.
10. Ражабов И. Мақомлар масаласига доир.–Т.,Ўзадабийнашр, 1963.
11. Ражабов И. Мақом асослари.– Т.: 1992.
12. Ражабов И. Мақомлар. “San”at”, 2006.
- 13.Иброҳимов О. Мақомшунос аллома // Ражабов И. Мақомлар (нашрга тайёрловчи ва махсус муҳаррир О. Иброҳимов).–Т., San”at, 2006.
- 14.Юнусов Р. “Мақом асослари” фани мусиқа таълими тизимида.// “Ражабийхонлик” илмий-амалий анжуман материаллари.–Т., 1993.
- 15.Иброҳимов О. Мақомдон олим Исҳоқ Ражабов.// Мусиқа ижодиёти масалалари. –Т., “Қатортол-Камолот”, 1997.
16. Ибрагимов О. Фергано-Тошкентские макомы.– Т. : 2006.
- 17.Ўзбекистон миллий энциклопедияси (12 жилдда). II-жилд. – Т., 2001. –44-45-б.
- 18.Юнусов Р. Исҳоқ Ражабов – XX аср мақом алломаси. // Санъатшунослик масалалари.–Т., 1998
- 19.Юнусов Р. Ўзбек мақомлари. – Т.: О’zbekiston НМИУ, 2018.
20. Ўзбек фольклори очерклари. I-жилд.– Т., «Фан», 1988
- 21.Хоразм мақомлари.(нотага олувчи М. Юсупов.). –Т., 1986.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот. Мақом мусиқа ижодиётининг бошқа турларидан бадий мукаммаллиги, куй ва шакл тузилишлари билан ажралиб туриши масалалари. Шашмақом.

Ишдан мақсад: Мақом мусиқа ижодиётининг бошқа турларидан бадий мукаммаллиги, куй ва шакл тузилишлари билан ажралиб туриши масалалари. Шашмақомнинг ўзбек ва тожик халқлари мусиқий меросида тутган ўрни ,уларнинг вазифалари, назарияси ва амалиётининг хусусиятларини таҳлил этиш. “Шашмақом” тушунчасини таҳлилий ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар томонидан кичик гуруҳларга бўлиниб, улар ҳар бир вазифа бўйича берилган саволлардан жавоб олиш жараёнида оғзаки таҳлил орқали шарҳлаб бериши лозим.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи талабаларни 4-гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

2-амалий машғулот. Ўзбек халқ муסיқаси локал услублари (Бухоро-Самарқанд, Фарғона-Тошкент, Сурхондарё-Қашқадарё, Хоразм, Қорақалпоқ)га хос асарларни тинглаш (4 соат).


Ишдан мақсад: Ўзбек халқ муסיқаси локал услублари ўрганиш ва уларнинг назарияси ва амалиётининг хусусиятларини таҳлил этиш, жамоавий тарзда танқидий таҳлил қилиш шарт-шароитини яратиш.

Мақсаднинг қўйилиши: Тингловчиларнинг таълим ва тарбия уйғунлиги, Шарқона таълим ва тарбиянинг хусусиятлари борасидаги қарашлар ҳамда хориж тажрибасида синовдан ўтган замонавий ёндошувлар аҳамиятига доир ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишлари берилган намуна бўйича ФСМУ технологияси асосида амалга оширилади.

Тингловчилар гуруҳларга бўлиниб, мавзуни таҳлил қиладилар. Ишнинг сўнгида гуруҳ томонидан якуний хулосалар ўқиб эшиттирилади. Презентация давомида гуруҳ иштирокчиларнинг барчаси фаол қатнашишлари талаб этилади.

Экранда ФСМУ методининг умумий тавсифи ва у асосда ҳал қилинадиган мавзу акс этиб туради.

Булар қуйидаги тартибда:



“ФСМУ” методи

- **Ф** - фикрингизни баён этинг
- **С** - фикрингизнинг баёнига сабаб кўрсатинг.
- **М** - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.
- **У** - фикрингизни умумлаштиринг.

3-амалий машғулот: Шашмақом чолғу ва наср йўлларида тинглаш. Мақом мусиқа, шеърият ва рақс санъатларини мужассамлаштирувчи муштарак бадий дурдоналар (4 соат).

Ишдан мақсад: Шашмақом чолғу ва наср услублари ўрганиш, Мақом мусиқа, шеърият ва рақс санъатларини мужассамлаштирувчи муштарак бадий дурдоналар хусусиятларини таҳлил этиш, жамоавий тарзда танқидий таҳлил қилиш шарт-шароитини яратиш.

Мақсаднинг қўйилиши: Тингловчиларнинг мақом мусиқа, шеърият ва рақс санъатларини хусусиятлари борасидаги қарашлар ҳамда хориж тажрибасида синовдан ўтган замонавий ёндошувлар аҳамиятига доир ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишлари берилган намуна бўйича ФСМУ технологияси асосида амалга оширилади.

Тингловчилар гуруҳларга бўлиниб, мавзуни таҳлил қиладилар. Ишнинг сўнгида гуруҳ томонидан якуний хулосалар ўқиб эшиттирилади. Презентация давомида гуруҳ иштирокчиларнинг барчаси фаол қатнашишлари талаб этилади.

4-амалий машғулот: Шашмақом чолғу ва наср йўлларида тинглаш. Мақом мусиқа, шеърият ва рақс санъатларини мужассамлаштирувчи муштарак бадий дурдоналар (2 соат).

Ишдан мақсад: Ўзбек халқ мусиқаси локал услублари ўрганиш ва уларнинг назарияси ва амалиётининг хусусиятларини таҳлил этиш, жамоавий тарзда танқидий таҳлил қилиш шарт-шароитини яратиш.

Мақсаднинг қўйилиши: Тингловчиларнинг таълим ва тарбия уйғунлиги, Шарқона таълим ва тарбиянинг хусусиятлари борасидаги қарашлар ҳамда хориж тажрибасида синовдан ўтган замонавий ёндошувлар аҳамиятига доир ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишлари берилган намуна бўйича ФСМУ технологияси асосида амалга оширилади.

Тингловчилар гуруҳларга бўлиниб, мавзуни таҳлил қиладилар. Ишнинг сўнгида гуруҳ томонидан якуний хулосалар ўқиб эшиттирилади. Презентация давомида гуруҳ иштирокчиларнинг барчаси фаол қатнашишлари талаб этилади.

Экранда ФСМУ методининг умумий тавсифи ва у асосда ҳал қилинадиган мавзу акс этиб туради.

5-амалий машғулот: Хоразм мақомларидан тинглаш (2 соат).

Ишдан мақсад: Хоразм мақомларидан тинглаш модули асосида дарсларни ташкил этиш.

Мақсаднинг қўйилиши: Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. компьютер технологияларига асосланган ўқитиш методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси сифатида. Дарслик ва электрон дарсликдан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш методлари. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабага интерактив усуллар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланиш.

1. Амалий тарбиявий ишларини режалаштириш, фаолиятнинг энг муҳим қоидаларини англай билиш.

2. Ҳар бир талабага нисбатан уни жамоа шароитида тарбиялашнинг индивидуал дастурини тузиш.

3. Талабаларнинг ёшлик ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга нисбатан индивидуал муносабатни ошириш.

Б) Ташкилотчилик малакалари:

1. Талабалар орасидаги фаол болаларни аниқлай билиш, танлай билиш ва уларни идрок қилиш.

2. Талабаларнинг турли хилдаги жамоа, индивидуал фаолиятини уюштириб билиш ва уларни ижтимоий фаоллигини билиш.

3. Талабаларга берилган ижтимоий топшириқлар берилиши юзасидан назорат ўрнатиш ва уларга зарур вақтда амалий ёрдам бериш.

4. Ота-оналар, кенг жамоатчилик ўртасидаги ишларни билиш. талабаларга талаблар қўйиш методлари қуйидагилардан иборат: талабанинг ахлоқ қоидаларини, барча предмет бўйича билимларни баҳолаш, ўқитишдаги бурч ва маъсулиятни билиш, машқ қилиш, талабаларни меҳнат қилишга ўргатишдан иборатдир.

Устоз олдида қўйилган талаблар:

1. Фаолиятнинг аниқ мақсадларини шогирд хис қилсин.

2. Фаолиятни амалга ошириш шогирд ташаббуси ва ижодий фаолликка боғлиқ. Бунда ишни тақсимлаш, режалаш, ҳисобга олиш, натижа чиқариш қабиларни шогирдларнинг ўзларига ҳавола қилиш лозим.

3. Устоз фаолиятга педагогик раҳнамолик қилади, шогирдларнинг ижодий одатларини шакллантиради.

4. Фаолият жараёнида ҳар бир шогирд ижрочилик малакасига эга бўлади.

5. Иш натижасини муҳокама қилиш, шогирдларни рағбатлантириш.

Устоз шахсий хусусиятларидан ташқари чуқур илмий савияга, сўзлаш маданиятига, юксак одоб ахлоқли булиши керак. Шогирдлар билан ўтказиладиган суҳбатларни юқори савияда ташкил қилишда, устоз қуйидаги маданият қирраларига эга бўлиши керак.

Рухият маданияти - шогирднинг маънавий эҳтиёжларига тўғри таъсир кўрсатиш.

Маҳорат маданияти - ҳар бир тадбирни зўр қувонч ва қалбдан ташкил қилиш.

Сиёсий маданият - давр талабига мос иқтисодий, ижтимоий билимга эга бўлиш.

Маънавий маданият - шогирдларнинг ижодий, маънавий, бадий фаолиятини ташкил қилиш.

Касбий қобилиятнинг асосий турлари. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши, педагогик маҳоратга эришиш учун устозда қуйидаги қобилият турлари мавжуд бўлмоғи лозим.

1. Билиш қобилияти - фанни тегишли соҳаларига оид қобилиятидир. Бундай қобилиятга эга бўлган устоз фанни ўқув курси хажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни хамиша кузатиб боради.

2. Тушунтира олиш қобилияти - ўқув материални талабаларга тушунарли қилиб баён этиш, талабаларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқтириш.

3. Кузатувчанлик қобилияти - тарбияланувчининг ички дунёсига қира олиш қобилияти. Талаба шахсни ва унинг вақтинчалик рухий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанликдир.

4. Нутқ қобилияти - нутқ ёрдамида шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилиятидир.


5. Ташкилотчилик қобилияти - талабалар жамоасини уюштириши, талабаларни муҳим вазифаларни ҳал этишга рухлантириш назарда тутилади.

6. Обрў орттира олиш қобилияти - бевосита эмационал, иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда тарбия бериш маъсулиятини ҳис этиш, ўзини ҳақ эканлигига ишонтириш.

7. Коммуникатив - тўғри муомала қила олиш, ўзаро муносабат ўрната билиш педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.



8. Келажакни кўра билиш қобилияти - ўз ҳаракатларининг натижавийлигини таъминлаш.


Устоз қиёфаси профессиограммаси



Устоз учун зарур бўлган малакалар.







Ўқитувчининг фаолият тузилмаси



Аввалдан режалаштирилган ҳолда тингловчилар орасида номоддий маданий мероснинг соҳалари бўлинади ва ҳар битта тингловчи ўзбек мусиқа мероси бўйича ўз маълумотларини тақдимот (презентация) кўринишида тақдим этади. Тингловчилар томонидан соҳага оид бўлиб, қамраб олинмаган тур ва жанрлар муҳокама этилади ва тўлдирилади. Ўзбек мусиқа меросининг рўйхатларига киритилган номзодлар ўрганилади, яна қайси номзодларни рўйхатга киритиш ёки қичариб ташлаш, бошқа рўйхатга ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс №1. “Тунда очик”

Санъат оммабоплигини янада ошириш туфайли ушбу соҳадаги кўшимча қийматнинг капиталга айланиш жараёни Тейт Модерн галереяси учун муваффақиятли ўтди. Мазкур кампанияни 2002 йил март ва май ойларида Лондоннинг 8та галереясида иборат бирлашма ўтказди. Галереялар кампанияда ўзларига хос вазифаларни белгилаган бўлсалар ҳам, лекин барчалари қуйидаги мақсадларга ўз диққат эътиборини қаратдилар:

- тунги соатларнинг узайтирилганлиги хақида кўпроқ ташриф буюрувчиларни хабардор этиш;

- кечки соат 6 дан кейин ташриф буюрувчилар сонини ошириш; - галереялар хақидаги “зерикарли ва жонга теккан жой” деган тассавурни ўзгартириб, галереялар - ижтимоий хаётнинг бир қисми сифатида каби концепцияни таклиф этиш;

- ташриф буюрувчилар завқ оладиган алоҳида бир тадбирлар, маърузалар, сафар, жонли ижро, ресторан, бар ва харидлар каби фаолиятлар доирасини ОАВда ёритиб бориш.

Баъзи бир галереялар, хусусан В&А галереяси тунги соатларгача икки йил мобайнида ишлаб келган ва 1500 -2000 га яқин тунги ташриф буюрувчиларни жалб этган. Бошқалари эса, масалан Миллий Портрет Галереяси хафтасига икки тун очик бўлиб, бир йил мобайнида ишлаган эди, унга 300-400га яқин одам кечқурун ташриф буюрган. Далвик Тасвир Галереяси ўз тажрибасида тунги ташрифларни ҳеч қачон қўлламаган ва бундай имкониятдан фойдаланиш истагини билдирди. Кампания учун мақсадли гуруҳ этиб 25-34 ёшли санъатдан хабардор ёки мутахасис, Лондонда яшайдиган ёки ишлайдиганлар танлаб олинди. Ушбу сегментни жалб этиш учун “Санъатни севасанми?

Ундан завқ ол....Кечроқ.” шиор ишлаб чиқилди.

Ушбу шиор реклама бренди сифатида юракча шаклдаги ширинликларга бириктирилди.

Ҳар бир галерея хақида маълумот, унинг жорий кўрғазмалари ва кеч тунгача очиклигини ёритган 190000та рисола нашр этилди. 66000таси Лондон ва Вест Эндга дистрибьютер агентлиги томонидан тарқатилди.

Қатнашувчи галереялар ҳар бири 8000тасини тарқатди, қолгани эса *Тиме Оут* журнаliga илова қилинди.

Журнал ўқувчилари мақсадли аудиторияга ёши, ҳаёт тарзи каби кўрсаткичлари билан тўғри келди. Ушбу ҳаракатлар орқали 89%га ўсиш кузатилди.

Рисолада галереяларда очилган тунги барлар ҳақида тафсилотлар, хусусан Абсолют водка ҳомийлигидаги Лове Арт ароғидан коктейли бепул таклиф этилиши берилди. Абсолют бренди танланган ташриф буюрувчилар аудиториясига тўлиқ мос келади. Бундан ташқари *Time Out* ҳар ҳафта тунги барларни реклама қилиб, газетхонларга махсус чегирмаларни таклиф этиб борди.

Кампания харажатлари қатнашчилар ўртасида тақсимланиб, 1400 фунт стерлингга тенг бўлди. Асосий харажатларни рисолаларни чоп этиш ва тарқатиш ташкил қилди. *Time Out* газетаси ҳомийлигида 21000, Абсолют бренди томонидан эса 8000 фунт стерлингидаги харажатлар қопланди. Хеюард Галереясида очилган биринчи тунги бар биринчи тундаёқ ўртача сондан анча кўп бўлган ташриф буюрувчилар -300тасини жалб этди. Миллий Портрет Галереясига эса 800га яқин мижоз келди. Хаттоки энг паст рейтингда бўлган Далвик Тасвир Галереясига 200та одам келди. Кампания тугаганидан сўнг натижа кўплаб галереяларга шундай сақланиб қолди. Масалан Миллий Портрет Галереясига ташриф буюрувчиларнинг сони ўсиб борди ва ҳозирда тунги ташриф 1000 дан ортиқ бўлиб турибди. *Манбаа: Марлоу, 2001.*

Саволлар

1. Санъат муассасаларининг биргаликдаги ҳаракатида қандай афзалликлар ва камчиликлар бўлиши мумкин?
2. Галереялар реклама кампаниясини ўтказишда қандай маълумотларга эга бўлдилар? Ушбу маълумотлардан потенциал мижозлар билан узоқ муддатли муносабатларни ўрнатишда қандай фойдаланиш мумкин?
3. Сизнинг фикрингизча, ушбу кампания ташриф буюрувчиларни санъатга эмас балки бепул ичимликка жалб этишга айланиб қолиш хавфи қай даражада? Ушбу хавфни чеклаш учун нима қилиш мумкин?

Кейс №2. “Халл Трак” театри томошибанлари

Тадқиқотлар охириги 2 йил мобайнида Халл шаҳрининг театрга боровчи аҳолисидан фақатгина ярми Халл Трак театрида бўлганлигини кўрсатди. Бунга қараганда 10тадан 9таси шаҳар марказида жойлашган дастури турли туманлиги билан ажралиб турадиган Халл Нью Театрига бориши аниқланди. Йилда театрга уч ва ундан ортиқ марта борган ташриф буюрувчиларнинг сони чоракдан кўпроғини ташкил этди, уларнинг орасида

хеч қайси Халл Трак театрида бўлмаган. Томошабинларнинг учдан бир қисми “юксак” санъат шаклларидаги замонавий драмаларни кўришни хуш кўришар экан ва улар орасида Халл Трак театрига борганлар аниқланмади.

Халл Тракнинг таҳлил этилган жорий томошабинлари театр ташаббускорлари, доимий ва турли театрларга борувчилар деб топилди. Улар театрни асосан кечқурун боришга яхши жой деб, театрга бориш уйдан ташқарида овқатланишга бориш сафари сифатида қабул қилишар экан. Уларнинг ёши 25-44 ёшда.

Бунга қиёсан, янги потенциал томошабинлар (театрга борувчи лекин Халл Тракка бормаганлар) ҳақиқатдан театрга қизиқувчилар бўлмаган. Улар янгиликни излайдиган ва тажриба сифатида қабул қиладиган инсонлар тоифасидан.

Ташриф буюришга таъсир этиш. Тадқиқот сўровномаси иштокчилари бўйича Халл Трак театрига бориш учун қандай омилларга боғлиқлиги аниқланди. Театрга борувчиларнинг ярми шаҳар марказидаги янги бино ўзига жалб этишини таъкидладилар. Танаффусда томошабинлар дам оладиган хона ёки зал, бар кафеларнинг мавжудлиги ёшроқ томошобинларни жалб этиши мумкин. Жон Годбер Жон Годбер бадий директорининг маҳсулоти кўпчиликка ёқиши эътироф этилди. Лекин кўрсатувларнинг янги шакллари таклиф этиш тавсия этилди.

Маркетинг натижалари. Халл Трак театри маркетинг коммуникациясидаги камчилик потенциал бозорни чуқурроқ ўрганилмаганлиги кузатилди. Театр томошобинлари театр дастурларидан театр томонидан юборилган хатлар, тез тез ташриф буюрувчилардан хабардор бўлиб туришар экан. Айримлари маҳаллий газеталарда берилган маълумотлар билан қизиқиб турар эканлар. Ёшлар эса асосан интернетдан.

Саволлар

1. Халл Трак театри ўз миссиясини оширишда қандай мақсад ва вазифаларни белгилашини таклиф қила оласиз.
2. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда қандай стратегияларни ишлаб чиқасиз. Ушбу стратегияларни тадбиқ этиш учун маркетинг тактикасини ишлаб чиқинг.
3. Ушбу режаларни ишлаб чиқишда маълумотлар рўйхатини тузинг. Агарда Сиз Театр маркетинг менежери бўлсангиз ушбу маълумотлар етарлича бўлармиди?

Сидней Опера Хаус бутун дунёда машхур бўлган замонавий архитектура дизайнидаги бинолардан бирида жойлашган. Опера Хаус ташкилий ривожланиш инноватори сифатида унинг ижрочи директорори Майкл Линк тўрт йиллик бошқаруви остида шаклланди.

Линк Австралия Кенгашидаги театр менежментида миллий санъатни қўллаб қувватловчи инновацион шахс сифатида эътироф этилиб 1998 йилда Австралия тасвирий инстиутини бошқарувини олди. Унинг бошқарув фаолияти Опера Хаус учун икки муҳим тарихий воқеалар – Янги йил ва 2000 йил Сидней Олимпиадасига тўғри келди. Бундай ходисалар ташкилот учун иш жараёнининг янги ёндашувларини талаб этарди ва Линк Операни “ўрганувчи ташкилот” га айлантиришга аҳд қилди. Ушбу атама америкалик менежмент намояндаси Питер Сенж (Петер Сенге) томонидан 1990 йилда “Бешинчи Фан” китобида ёритилган бўлиб, унга биноан ташкилот инсонлар каби тизимли равишда ривожланиши ва тажриба алмашишлари лозим. Албатта унинг афзаллиги бир бутунлигида, ўрганиб бориш эса ташкилот муҳим фаолиятларидан бири сифатида ташкилий қувватни оширишда катта кучдир. Бошқача қилиб таъкидланганда эса, “унинг аъзолари жамоавий хабардорлик ва унумдорликни кучайтириш ва қўллаб қувватлашга доимий диққат эътиборини қаратиб турадилар ” (Сенге *эт ал.*, 1994).

Опера Хаусда муваффақиятга эришиш йўли барча ходимларни ушбу йўналишга қўйиш деб белгиланди.

Линк буни қўйидагича изоҳлади: “Опера Хаусда ишлар қандай бажарилишига бутун штатни жалб этиш ёндашувини биз қабул қилдик. Натижа –бу иш жойи бўлиб, бу ерда ташкилот ривожини учун ҳар бир ходим ўз хиссасини қўшиш учун ваколат олган. Бу шахснинг ўсиши учун кўмакловчи иш жойи бўлиб, бунда инновациялар, маҳоратни кўрсатиш, “буни қила оламан” деган хатти харакат тан олинади ва рағбатлантирилади”. Ушбу жараёнинг бош ғояси турли соҳаларни қамраб олувчи лойиҳа гуруҳининг ташкил топиши бўлиб, унга тажрибаси ва функционал асоси ҳар хил бўлган ҳамкасабалар киритилди.

Уларнинг вазифаси муассасанинг 2000 йилга тайёр бўлиши, яъни компьютерга мувофиқлик ва товар ва хизматларга янги солиқлар билан танишиш. Шу билан бирга маданий ўзгаришларга бўлган зарурат масаласи муассасанинг турли бўлимлари ва поғоналари томонидан ўртага қўйилди. Концепция Командаси деб ном олган ушбу ишчи гуруҳ эътиборини муассасанинг ўзини ҳамда бу ердаги ҳар бир шахсни такомиллаштиришга қаратди.

VI. ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

Инглиз тилидаги	Термин	Ўзбек тилидаги
Theatre	Театр	Театр – (юн. сўз бўлиб, томошагоҳ деган маънони англатади). Санъат тури; унинг ўзига хос ифода воситаси актёрнинг омма олдидаги ўйинжараёнида юзага келадиган сахнавий воқеадир. Театр санъатида ҳам бошқа санъатларда бўлганидек, халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараши акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Театр асосида оғзаки ёки ёзма драматургия ётади. Театр синтетик санъат бўлиб, жамият ҳаётида, томошабинларнинг маънавий-эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутди. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меморлик ажралмас бирликни ташкил этади. Театр – санъатнинг муҳим бир хили бўлиб, у қадимги Грецияда туғилди.
Decoration	Театр декорацияси санъати	сценография– тасвирий санъатнинг театр санъати билан боғлиқ соҳаси; декорация, либослар ёруғлик, сахна техникаси воситасида спектаклнинг томоша образи (кўриниши)ни яратиш санъати.
Music	Театр мусикаси	1. кенг маънода - барча мусикали (опера, балет, оперетта, мусикали драма, мусикали комедия, водевил, мюзикл ва б.) ҳамда драматик спектакллар учун ёзилган мусиқа. 2. тор маънода – драматик театр спектакль (драма, комедия, трагедия)лари мусикаси
Theatre Science	Театршунослик	театр тарихи ва назариясини ўрганувчи фан. Мустақил илмий йўналиш сифатида театр санъатининг умумий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда XX асрда шаклланган. Театршунослик дастлаб, асосан драма театрлари фаолияти билан боғланган бўлса, кейинчалик опера ва балет, оперетта, мусикали драма, болалар театри, кўғирчоқ театри, театр таълими, сахна нутқи, декорация санъати, театр либоси ва пардозиди, сахна ҳаракати, хаваскорлик театри соҳалари ва йўналишларини ўз ичига олади.
Subject	Сюжет	– (фр. ва лот. сўз бўлиб, предмет, мазмун, моҳият, нарса деган маъноларни англатади).

		<p>1. Бадий асарда, фильмда воқеа-ҳодисалар тасвири, баёнидаги изчиллик ва ўзаро алоқа; бадий асар мазмуни.</p> <p>2. Тасвирий санъатда: тасвир объекти, предмети. Сюжет –бадий асар мазмунини ташкил этадиган, бир-бири билан ўзаро боғлиқликда кечадиган, қаҳрамонлар ўртасидаги алоқалардан таркиб топган воқеалар тизими.</p>
Acting technique	Актёрлик санъат	санъат яратиш сасна қиёфаларни (ролларни) театрда томошаларнинг тақдимотчилари
Atmosphere	Атмосфера	ҳаяжонли бо;яш ҳар кимнинг ҳаракатлари, сахнанинг, эпизода, боғлиқ бўлган тавсия этилаётган ҳолатлар, воқеаларданги тугун, низони, темпо-ритма, "донлар", боғлиқлиги ҳаракати ва фаолият юритувчи шахсларда уни феъл-атворини, ёрдам беради.
Proscenium	Авансцена— сахна	дахлиз бир бўлак сахнанинг, бир қанча намоиш этилган томоша зали. (Рампа). сифатида о;йин учун белгиланган майдонча сахна олди кенг фойдаланилди опер ва балет спектакль драматик театрларда сахна олди хизмат қилади. Асосан жой ҳаракатлари учун катта бўлмаган сахналар олдидаги ёпиқ парда.
Type, theatrical character	Амплуа— ўхшаш	феълига кўра ролини, тегишли маълум актёра (актрисалар) томонидан бажариладиган ролларнинг типи.
Atellana	Ателлана-ателлана	(қадимги рим халқ томошаси;одий халқ ҳаётини тасвирловчи қисқа сахна асари)
Annotation	Аннотация-аннотация	(қисқа қайдлар, китобнинг қисқача мазмуни)
Ballad	Баллада-	(лирик-эпик поэзиянинг бир тури)
Ballet	Балет-балет	(театр санъати турларидан бири); рақсга асосланган музикали-драматик сахна асари)
Properties	Бутафория— сахнадаги	ясама жиҳозлар қалбаки фанлар (ҳайкалтарошлик, мебель, идиш, безаклар ва бошқалар. Асар воқеаларини очишга ёрдам берувчи нарсаларни.
Buffoon	Буффонада	кулгили театр томошаси қабул қилиш, фойдаланилаётган театрда; асосан ташқаридан караганда комик бўрттириб юбориш, баъзида тартибли ҳаракатларни, кўринишлари

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаётовон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ПҚ-4068-сон Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4584-сон Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий

таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [Фармони](#).

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли [Фармони](#).

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

21. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>.

22. Авдейва Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. - Т.: Мукаррама Тургунбоева номидаги “Ўзбек рақс” миллий рақс бирлашмаси, 2001.- 204б.

23. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

24. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

25. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 б.

26. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va technology», 2014. 60 б.

27. Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Т: Фан, 1993. – 205-б.

28. Қодиров М. Темур ва темурийлар даврида томоша санъатлари. – Т: Ғ.Ғулом ном. нашриёт, 1996. – 64-б.

29. Қодиров М. “Томоша санъатлари ўтмишда ва бугун” - Т: “Mumtoz so`z”, 2011. - 528 б.

30. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

31. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf.

32. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf.
33. Сайфуллаев Б. Томоша санъати тарихи ва назарияси. – Т: «Фан ва технология», 2014. - 152 б.
34. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
35. Чаплин Чарльз Спенсер. О себе и своем творчестве. М.: Искусство. Т. 1 - 1990.350 с.
36. Файзиев Х. Овозсиз кинематографдаги операторлик санъати тарихидан. Т., 2008. – 180 б.
37. Фрейлих Теория кино: от Эйзенштейна до Тарковского. М.: Искусство, ТПО-1992, “Истоки”, -351 с.
38. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Ш.Каримов ва бошқ. Тошкент: 1992,Ўқитувчи, - 294 б.
39. Ўнғбоева Б.Ў. Ўзбекистонда 1920-1956 йилларда кино ва театр санъати тарихи. Дисс автореферати. –Т., 2018. –55 б.
40. Юренев Р. Краткая история киноискусства. - М.:Академия, 2000.- 288
41. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphics for Artists.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.
42. Agel H. L'espace cinématographique. Paris, ed. J.-P.Delarge-ed. Universitaires, 1978,219 p.
43. Basic Text of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage, UNESCO, Paris, 2014 y.
44. Benjamin Grosbayne. “Techniques of modern Orchestral Conducting”. Harvard University Press. USA, 2011 y.
45. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
46. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
47. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
48. Mitchell. H.Q. , Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
49. Mitchell. H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publiciations. 2015. 183.
50. Raymond Bisdorff, LuisC. Dias, Patrick Meyer, Vincent Mousseau, Marc, Pirlot. Evaluation and Decision Models with Multiple Criteria.- Springer-Verlag Berlin Heidelberg. - Germany, 2015 y.
51. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
52. Sibsan. “The modern conductor”. Pearson Prentice Hall. Англия, 2004.

IV. Интернет сайтлар

53. <http://edu.uz>
 54. <http://lex.uz>
 55. <http://bimm.uz>
 56. <http://ziyonet.uz> –

57. <http://www.dsmi.uz>.
58. <http://www.kino-teatr.ru>
59. <http://www.artsait.ru>
60. <http://belcanto.ru/>
61. <http://music.edu.ru/catalog>
62. <http://artyx.ru/>